

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

4-сон
(972)
2021 йил
февраль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

31. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 январдаги ПФ–6146-сон Фармони
32. «Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги ПҚ–4963-сон қарори
33. «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 январдаги ПҚ–4964-сон қарори
34. «Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги ПҚ–4965-сон қарори

Учинчи бўлим

35. «Давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 январдаги 37-сон қарори
36. «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ўқитиш ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтиҳонларни топшириш харажатларини қоплаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 январдаги 38-сон қарори
37. «Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 январдаги 40-сон қарори
38. «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 январдаги 41-сон қарори

Бешинчи бўлим

39. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 31 декабрдаги 28/7-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 26 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3285*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

31 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–558-сон Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 апрелдаги «Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5984-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, афв этишни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 26 январь,
ПФ–6146-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 26 январдаги
ПФ–6146-сон Фармонига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жойлар хусусийлаштирилиши муносабати билан аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялашга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида» 1992 йил 19 августдаги ПФ–455-сон Фармони 1-банднинг биринчи хатбошисидаги «доимий

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 27 январда эълон қилинган.

рўйхатдан ўтказилган» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 26 февралдаги ПФ-2240-сон Фармонида:

а) 1-бандда:

иккинчи хатбошидаги «доимий қайддан ўтиш» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниш» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «вақтинчалик қайддан ўтиши» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «вақтинча қайд этилади» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинади» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банднинг биринчи хатбошисидаги «доимий қайд этиш» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-иловада:

7-банднинг «а» кичик банди ўн тўртинчи хатбошисидаги «қайд этиш» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

22-банддаги «қайд этиш» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4262-сон Фармонида:

а) 1-иловада:

7-бандда:

биринчи хатбошидаги «доимий рўйхатда турадиган» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «доимий рўйхати» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «пропискага» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олишга» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «доимий рўйхатда турадиган» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «доимий рўйхати» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банднинг иккинчи хатбошиси «Фуқаро паспортини йўқотиб қўйган» сўзларидан кейин «ёки суд ажрими билан амал қилиши тўхтатиб турилган» сўзлари билан тўлдирилсин;

17-бандда:

куйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«суд ажрими билан паспортнинг амал қилиши тўхтатиб турилганда»;

еттинчи — ўнинчи хатбошилар тегишинча саккизинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари паспортнинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги тўғрисидаги суд ажримини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаменти орқали Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасаларига маълумот учун юборади»;

19-банднинг биринчи хатбошидаги «доимий рўйхатда турадиган» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» сўзлари билан алмаштирилсин;

24¹-банднинг иккинчи хатбошидаги «доимий рўйхатда турган» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» сўзлари билан алмаштирилсин;

35-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«35. Паспорт бериш учун «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади»;

35¹-бандда:

иккинчи хатбошидаги «доимий рўйхатда турган» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошиси «унинг амал қилиш муддати тугаган» сўзларидан кейин «ёхуд суд ажрими билан амал қилиши тўхтатиб турилган» сўзлари билан тўлдирилсин;

35⁴-банднинг биринчи хатбошидаги «рўйхатга қўйиш» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

35⁸-бандда:

биринчи хатбошидаги «доимий рўйхатда турган» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «вақтинча рўйхатдан ўтказади, турган жойи бўйича ҳисобга» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «вақтинча рўйхатдан ўтказиш» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги II² бўлим билан тўлдирилсин:

«II². Суд ажрими билан амал қилиши тўхтатиб турилган паспорт ўрнига янги паспорт бериш тартиби

35¹¹. Қидирувда бўлган айбланувчи ёки судланувчи республика ҳудудида ушланган тақдирда суд ажрими билан амал қилиши тўхтатиб турил-

ган паспорт ички ишлар органлари ёки чегара назорати бўлинмалари томонидан маълумотларни йиғиш пунктига йўқ қилиш учун жўнатиш мақсадида олиб қўйилади ва унга паспорти олиб қўйилганлиги ҳақида далолатнома берилади.

35¹². Вақтинча хорижда бўлган паспортнинг амал қилиши тўхтатиб турилган айбланувчи ёки судланувчи Ўзбекистон Республикасига қайтиш гувоҳномасини олиш учун Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасасига мурожаат этганда унинг паспорти олиб қўйилади ва унга бу ҳақида далолатнома берилади. Олиб қўйилган паспортни йўқ қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали маълумотларни йиғиш пунктига юборилади.

35¹³. Суд ажрими билан паспортнинг амал қилиши тўхтатиб турилган айбланувчига ёки судланувчига янги паспорт маълумотларни йиғиш пункти томонидан ушбу бандда кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб ўн кун ичида берилади.

Аризани кўриб чиқиш муддати Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ узайтирилиши мумкин.

Янги паспортни олиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

белгиланган шаклдаги ариза;

процессуал мажбурлов чораси бекор қилинганлиги ҳақидаги тасдиқланган қарор нусхаси;

давлат божи тўланганлиги ҳақида қвитанция.

Суд ажрими билан паспортнинг амал қилиши тўхтатиб турилган айбланувчи ёки судланувчи паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

35¹⁴. Тергов ҳибсхоналари ёки вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган шахсга янги паспорт расмийлаштириш ушбу шахслар сақланаётган жойга борган ҳолда амалга оширилади»;

57-бандда:

иккинчи хатбошидаги «вақтинча ёки доимий рўйхатдан ўтмай» сўзлари «доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинмай» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «вақтинча ёки доимий рўйхатдан ўтмаган ёхуд турган жойи бўйича ҳисобга олинмаган» сўзлари «доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинмаган» сўзлари билан алмаштирилсин;

низомага 2-иловадаги «прописка қилинган эди» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

3-банднинг биринчи хатбошисидаги «доимий прописка қилинган» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банднинг иккинчи хатбошисидаги «вақтинча рўйхатдан ўтганлик» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинганлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-бандда:

қўйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«суд ажрими билан ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиши тўхтати-тилганида»;

саккизинчи-тўққизинчи хатбошилар тегишинча тўққизинчи-ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

12-банднинг биринчи хатбошисидаги «доимий рўйхатда турадиган» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» сўзлари билан алмаштирилсин;

19-банддаги «доимий рўйхатда турган» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» сўзлари билан алмаштирилсин;

28-бандда:

қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«суд ажрими билан амал қилиши тўхтатиб турилганида»;

тўртинчи-бешинчи хатбошилар тегишинча бешинчи-олтинчи хатбоши-лар деб ҳисоблансин;

30-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Ҳаракатланиш ҳужжатини бериш учун «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади»;

қўйидаги мазмундаги II¹ бўлим билан тўлдирилсин:

**«II¹. Суд ажрими билан амал қилиши тўхтатиб турилган
ҳаракатланиш ҳужжати ўрнига янги ҳаракатланиш
ҳужжати бериш тартиби**

30¹. Қидирувда бўлган айбланувчи ёки судланувчи республика ҳудуди-да ушланган тақдирда суд ажрими билан амал қилиши тўхтатиб турилган ҳаракатланиш ҳужжати ички ишлар органлари ёки чегара назорати бўлин-малари томонидан маълумотларни йиғиш пунктига йўқ қилиш учун жўна-тиш мақсадида олиб қўйилади ва унга ҳаракатланиш ҳужжати олиб қўйил-ганлиги ҳақида далолатнома берилади.

30². Вақтинча хорижда бўлган суд ажрими билан ҳаракатланиш ҳуж-жатининг амал қилиши тўхтатиб турилган айбланувчи ёки судланувчи Ўзбе-кистон Республикасига қайтиш гувоҳномасини олиш учун Ўзбекистон Рес-публикасининг консуллик муассасасига мурожаат этганда унинг ҳаракат-ланиш ҳужжати олиб қўйилади ва унга бу ҳақида далолатнома берилади. Олиб қўйилган ҳаракатланиш ҳужжати йўқ қилиш учун Ўзбекистон Рес-публикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали маълумотларни йиғиш пункти-га юборилади.

30³. Суд ажрими билан ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиши тўхтатиб турилган айбланувчига ёки судланувчига янги ҳаракатланиш ҳужжати маълумотларни йиғиш пункти томонидан ушбу бандда кўрса-тиб ўтилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб ўн кун ичида бе-рилади.

Янги ҳаракатланиш ҳужжатини олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

белгиланган шаклдаги ариза;

процессуал мажбурият чораси бекор қилинганлиги ҳақида тасдиқланган қарор нусхаси;

давлат божи тўланганлиги ҳақида қвитанция.

Суд ажрими билан ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиши тўхтатиб турилган айбланувчи ёки судланувчи паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

30⁴. Тергов хибсхоналари ёки вақтинча сақлаш хибсхоналарида сақланаётган шахсга янги ҳаракатланиш ҳужжатини расмийлаштириш ушбу шахслар сақланаётган жойга борган ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ–5060-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-банди биринчи хатбошисидаги «вақтинча прописка расмийлаштирилгандан» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олингандан» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқарув тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 июлдаги ПФ–5120-сон Фармони 6-бандидаги «вақтинча прописка қилиш, турган жойи бўйича ҳисобга олишни ҳамда вақтинча прописка қилиш ва турар жойи бўйича ҳисобга олиш» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши ҳамда муддати» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 декабрдаги ПФ–5285-сон Фармони 14-бандидаги «вақтинча прописка қилиш, турган жойи бўйича ҳисобга олиш» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 15 февралдаги ПФ–5343-сон Фармони 6-банднинг иккинчи хатбошидаги «прописка қилинган» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» сўзлари билан алмаштирилсин;

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 29 мартдаги ПФ–5388-сон Фармони 18-бандидаги «яшаш жойи бўйича вақтинча прописка қилиш, ҳисобга қўйиш ва вақтинча пропискани» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ҳамда муддатини» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги

ПФ–5439-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

7-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмаларининг Фуқаролик, афв этиш ва сиёсий бошпана бериш масалалари бўйича шўъбаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмаларининг фуқаролик ва афв этиш шўъбаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва «Нуроний» жамғармаси вакиллари киритилади»;

11-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбошиси билан тўлдирилсин:

«Зарур ҳолларда Комиссия мажлислари видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин»;

12-банддаги «ички ишлар ва адлия вазирлари» сўзлари «ички ишлар, адлия ҳамда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

Қуйидаги мазмундаги 6¹-боб билан тўлдирилсин:

«6¹-боб. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўз ихтиёрига кўра маҳкумни ёки жазони ўтаб бўлган шахсни афв этиш тартиби

34¹. Ўзбекистон Республикаси Президенти маҳкумнинг ёки жазони ўтаб бўлган шахнинг афв этишни сўраб ёзган илтимосномаси мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар ўз ташаббуси билан исталган маҳкумни ёки жазони ўтаб бўлган шахсни афв этиши мумкин.

34². Бу ҳақда Шўъбага Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқ хати юборилади.

34³. Шўъба Ўзбекистон Республикаси Президентидан топшириқ хатини олган кундан эътиборан бир иш куни ичида Комиссия аъзоларига Комиссиянинг мажлиси ўтказилиши куни ва жойи ҳақида хабар беради.

34⁴. Комиссиянинг мажлиси якуни бўйича Шўъба томонидан маҳкумларни ёки жазони ўтаб бўлган шахсларнинг шахсини ва ҳужжатларини ўрганиш бўйича Комиссия аъзолари, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа мутасадди ташкилотлар масъул ходимларидан иборат таркибда ишчи гуруҳлар шакллантирилади ва уларнинг жойларга чиқиши ташкил этилади.

34⁵. Ишчи гуруҳ Комиссиянинг муҳокамасига киритиш учун ҳужжатлари ажратиб олинган маҳкумлардан ёки жазони ўтаб бўлган шахслардан уларга нисбатан афв этиш масаласи кўриб чиқилишига эътирози йўқлиги ҳақида розилик хатини олади.

Маҳкумнинг ёки жазони ўтаб бўлган шахснинг розилик хатига мазкур Низомнинг 21-бандида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинади.

Маҳкум ёки жазони ўтаб бўлган шахс розилик хатини ёзмаган тақдирда, унинг ҳужжатлари Комиссиянинг муҳокамасига киритилмайди.

34⁶. Комиссия ишчи гуруҳ томонидан тақдим этилган маҳкумларнинг ёки жазони ўтаб бўлган шахсларнинг ҳужжатларини муҳокама қилиб, афв этилиши мумкин бўлган маҳкумлар ёки жазони ўтаб бўлган шахслар бўйича баённома қарорини қабул қилади ва Ўзбекистон Республикаси Президентига таклиф киритади.

34⁷. Комиссиянинг маҳкумни ёки жазони ўтаб бўлган шахсни афв этишга тавсия қилишни рад этганлиги, маҳкумга ёки жазони ўтаб бўлган шахсга келгусида афв этишни сўраб илтимоснома билан мурожаат қилишга монелик қилмайди».

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 15 майдаги ПФ–5719-сон Фармони 19-бандидаги «вақтинчалик турар жойи бўйича прописка қилиш ва» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ва унинг муддатини» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон-Амирликлар инвестиция компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 20 майдаги ПФ–5722-сон Фармони 5-бандидаги «вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинча прописка қилишни ва вақтинча пропискани» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ҳамда унинг муддатини» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи бегараз кўмак маблағларини жалб этиш механизмларини ва донорлар билан ишлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 10 октябрдаги ПФ–5848-сон Фармони 10-банди «б» кичик бандининг иккинчи хатбошидаги «вақтинча пропискага қўйилиши ва вақтинча прописка муддати» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши ва унинг муддати» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 24 февралдаги ПҚ–290-сон қарори 11-бандидаги «вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини ва унинг муддати» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ–458-сон қарори билан тасдиқланган Суд ҳужжатлари ва бошқа орган-

лар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида «Мақтаб таълимини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 2 январдаги ПҚ-551-сон қарори 9-бандидаги «вақтинча рўйхатда туриш» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси худудларида геология-қидирув ишларини ўтказиш, углеводород конларини очиш ва қазиб чиқариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 16 январдаги ПҚ-567-сон қарори 16-бандидаги «яшаш жойи бўйича вақтинча рўйхатдан ўтказилиши» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида» 2007 йил 5 сентябрдаги ПҚ-691-сон қарори 12-бандидаги «вақтинча рўйхатдан ўтказилиши» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сурғил конини комплекс ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 18 февралдаги ПҚ-797-сон қарори 13-бандидаги «муваққат яшаш жойида вақтинча рўйхатда туриш» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Корея Республикаси билан меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 1 июлдаги ПҚ-1993-сон қарори 6-бандидаги «вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши ва унинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳузурида Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация марказини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 19 сентябрдаги ПҚ-2602-сон қарори 14-бандидаги «вақтинча рўйхатдан ўтказилишини» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2856-сон қарорининг 10-бандидаги «вақтинча яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини ва унинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органлари таянч

пункти тўғрисидаги низомнинг 12-банди йигирманчи хатбошидаги «доимий ва вақтинча пропискасиз ёки турган жойи бўйича ҳисобда турмаган» сўзлари «доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинмаган» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 майдаги ПҚ–2939-сон қарори 20-бандидаги «яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиншини ва унинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 1 июндаги ПҚ–3025-сон қарорининг 12-бандидаги «вақтинча яшаш манзилларида вақтинча рўйхатга олиншини ва вақтинча рўйхатга олиш» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиншини ва унинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 15 июндаги ПҚ–3057-сон қарорининг 13-бандидаги «яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиншини ва унинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3074-сон қарорининг 13-бандидаги «яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиншини ва унинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 23 июндаги ПҚ–3080-сон қарорининг 10-бандидаги «вақтинча пропискадан ўтказилиши» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиншини» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 11 июлдаги ПҚ–3126-сон қарорида:

а) 4-бандда:

иккинчи хатбошидаги «доимий ва вақтинчалик прописка олиш, турган жойи бўйича ҳисобга олиш» сўзлари «доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «доимий ва вақтинчалик прописка, турган жойи

бўйича ҳисобга олиш» сўзлари «доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

б) 1-иловада:

6-бандда:

«б» кичик бандда:

ўн бешинчи хатбошидаги «яшаш жойи бўйича вақтинчалик прописка» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн олтинчи хатбошидаги «доимий прописка» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олишни» сўзлари билан алмаштирилсин;

«в» кичик банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «прописка қилиш ва пропискадан чиқаришни» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш ва доимий рўйхатга олинганликни бекор қилишни» сўзлари билан алмаштирилсин;

«г» кичик банднинг иккинчи хатбошисидаги «прописка қилиш ва пропискадан чиқариш» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш ва доимий рўйхатга олинганликни бекор қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

«д» кичик банднинг бешинчи хатбошисидаги «доимий ва вақтинча прописка олиш, доимий туриш жойида ҳисобга қўйиш» сўзлари «доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банднинг учинчи ва бешинчи хатбошиларидаги «доимий прописка қилиш» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3149-сон қарори билан тасдиқланган Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-банди бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент вилоятида саноат-ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3153-сон қарори 14-бандидаги «вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини ва унинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 августдаги ПҚ–3245-сон қарорининг 11-бандидаги «турган жой бўйича муваққат прописка ва ҳисобга қўйилишини» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини» сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юқори сифатли этил

спирти ва ликёр-арақ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 11 сентябрдаги ПҚ–3263-сон қарорининг 15-бандидаги «вақтинчалик яшаш жойига вақтинча прописка қилиш ва вақтинчалик прописканинг» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши ва унинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокида «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик секторини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 16 сентябрдаги ПҚ–3283-сон қарорининг 11-бандидаги «вақтинча пропискага қўйилиши ва вақтинча прописка» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши ва унинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кураш» миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 2 октябрдаги ПҚ–3306-сон қарорининг 9-бандидаги «яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини ва унинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикамизда асарчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 16 октябрдаги ПҚ–3327-сон қарорининг 13-бандидаги «яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини ва унинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 13 ноябрдаги ПҚ–3384-сон қарорининг 16-бандининг учинчи хатбошидаги «вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинча рўйхат расмийлаштирилиши (узайтирилиши)ни» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши ва унинг муддати узайтирилишини» сўзлари билан алмаштирилсин.

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ–3413-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда:

7-бандда:

биринчи хатбошидаги «доимий прописка жойи бўйича» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбошидаги «прописка жойи бўйича» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-бандда:

биринчи хатбошидаги «доимий прописка жойи бўйича» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «доимий пропискага эга бўлмаган» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинмаган» сўзлари билан алмаштирилсин.

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ–3416-сон қарори 5-бандидаги «вақтинча прописка қилиш, турган жойи бўйича ҳисобга олиш ҳамда уларнинг» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ва унинг муддати» сўзлари билан алмаштирилсин.

39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллий антидопинг агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 3 январдаги ПҚ–3457-сон қарори 10-бандидаги «вақтинчалик яшаш жойига вақтинча прописка қилиш ва вақтинчалик прописка муддатининг» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ва унинг муддати» сўзлари билан алмаштирилсин.

40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 январдаги ПҚ–3472-сон қарорининг 11-банди иккинчи хатбошидаги «доимий рўйхатдан ўтказиш» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида» 2018 йил 14 февралдаги ПҚ–3528-сон қарори 6-бандининг еттинчи хатбошидаги «доимий пропискага эга бўлмаган» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинмаган» сўзлари билан алмаштирилсин.

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 16 мартдаги ПҚ–3610-сон қарорининг 13-бандидаги «яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилиши ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ва унинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 30 мартдаги ПҚ–3643-сон қарорининг 8-бандидаги «уларни вақтинча прописка қилиш, турар жойи бўйича ҳисобга олишни ҳамда вақтинча прописка қилиш ва турар жойи бўйича ҳисобга олиш» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ҳамда муддати» сўзлари билан алмаштирилсин.

44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2018 йил 2 апрелдаги ПҚ–3646-сон қарорининг 8-бандидаги «вақтинча прописка қилиш, турган жойи бўйича ҳисобга олиш ҳамда уларнинг» сўзлари «вақ-

тинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ва унинг муддати» сўзлари билан алмаштирилсин.

45. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПҚ–3665-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомнинг 7-бандида:

биринчи хатбошидаги «доимий пропискаси бўйича жойлашган» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «пропискага қўйилган» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» сўзлари билан алмаштирилсин.

46. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Илғор технологиялар марказини ташкил қилиш тўғрисида» 2018 йил 19 апрелдаги ПҚ–3674-сон қарорининг 10-бандидаги «яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини ва унинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

47. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 3 майдаги ПҚ–3693-сон қарорининг 16-банди иккинчи хатбошисидаги «вақтинча прописка қилиниши, турган жойи бўйича ҳисобга олиниши ва уларнинг» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши ва унинг муддати» сўзлари билан алмаштирилсин.

48. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Корея Республикаси компаниялари билан эришилган келишувларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 3 июлдаги ПҚ–3831-сон қарорининг 4-бандидаги «вақтинчалик рўйхатга олиниши, турган жойи бўйича ҳисобга олинишини ва вақтинчалик рўйхатга олиниши, турган жойи бўйича ҳисобга олиниши» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши ва унинг муддати» сўзлари билан алмаштирилсин.

49. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 16 июлдаги ПҚ–3857-сон қарорининг 3-банди учинчи хатбошисидаги «яшаш жойи бўйича вақтинчалик пропискани расмийлаштириш ва уларни» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши ва унинг муддатини» сўзлари билан алмаштирилсин.

50. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг филиалини ташкил этиш ва унинг фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисида» 2018 йил 20 июлдаги ПҚ–3875-сон қарорининг 14-бандидаги «вақтинча рўйхатдан ўтказилишини» сўзлари «вақ-

тинча турган жойи бўйича рўйхатга олиншини» сўзлари билан алмаштирилсин.

51. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 августдаги ПҚ-3894-сон қарорининг 16-бандидаги «вақтинчалик яшаш жойларида вақтинча пропискага қўйилиши ва вақтинча прописка» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиншини ва унинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

52. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика ҳудудларида «Business city» замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 августдаги ПҚ-3895-сон қарорининг 12-бандидаги «вақтинча рўйхатдан ўтказилиши, турган жойи бўйича ҳисобга олиншини ҳамда вақтинча рўйхатга олиш ва ҳисобга олиш» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиншини ва унинг муддати» сўзлари билан алмаштирилсин.

53. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 28 августдаги ПҚ-3924-сон қарорида:

а) қарорнинг номланишидаги «доимий ва вақтинча прописка қилиш» сўзлари «доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) муқаддимадаги «доимий ва вақтинча прописка қилиш» сўзлари «доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-банддаги «доимий прописка қилиниш» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинини» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-банддаги «доимий прописка қилиш» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 4-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «доимий прописка қилиш» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) қарорга иловада:

илованинг номланишидаги «прописка қилиниш» сўзлари «яшаш жойи бўйича рўйхатга олинини» сўзлари билан алмаштирилсин;

2, 3, 5 ва 7-бандлардаги «прописка қилинган» сўзлари «яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» сўзлари билан алмаштирилсин.

4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Васийлик ва ҳомийликдаги ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) шахслар — васий (ҳомий), тутинган ота-она доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган уй-жой майдонида»;

қуйидаги мазмундаги 8 — 10 бандлар билан тўлдирилсин:

«8. Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари).

9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича корхоналар ташкил қилиш учун камида 3 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс — хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона муассиси (иштирокчиси), шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари).

10. «Фахрий фуқаро» мақоми берилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари)».

54. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2018 йил 2 сентябрдаги ПҚ–3927-сон қарорининг 11-бандидаги «вақтинча прописка қилинишини, турар жойи бўйича ҳисобга олинишини ҳамда вақтинча прописка ва турар жойи бўйича ҳисобга олиш» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини ҳамда унинг муддати» сўзлари билан алмаштирилсин.

55. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими тизими-га бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ–3931-сон қарорининг 14-бандидаги «турар жойи бўйича вақтинча прописка қилиниши ва вақтинча прописка» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши ва унинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

56. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида «Намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 10 сентябрдаги ПҚ–3937-сон қарорининг 9-бандидаги «вақтинча рўйхатга олиниши» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши» сўзлари билан алмаштирилсин.

57. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йўл харакати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида инвестициявий лойиҳани амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 30 октябрдаги ПҚ–3989-сон қарорининг 14-банди тўртинчи хатбошисидаги «вақтинчалик прописка, яшаш жойида ҳисобга олиш ва уни» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ва унинг муддатини» сўзлари билан алмаштирилсин.

58. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг малакали мутахассислари томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ–4008-сон қарорининг 4-бандидаги «доимий (вақтинчалик) рўйхатга олиш» сўзлари «доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

59. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиззах вилоятида замонавий агрокластер ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил

9 ноябрдаги ПҚ–4009-сон қарорининг 10-бандидаги «келган жойи бўйича уларнинг вақтинча рўйхатдан ўтказилиши, ҳисобга олиниши ва унинг» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши ва унинг муддати» сўзлари билан алмаштирилсин.

60. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 13 ноябрдаги ПҚ–4015-сон қарорининг 22-бандидаги «вақтинча прописка қилиниши, турган жойи бўйича ҳисобга олиниши ва уларнинг» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши ва унинг муддати» сўзлари билан алмаштирилсин.

61. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2018 йил 10 декабрдаги ПҚ–4056-сон қарорининг 13-банди учинчи хатбошисидаги «доимий прописка қилиш» сўзлари «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

62. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ–4058-сон қарорининг 15-бандидаги «вақтинчалик прописка қилиниши, яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши» сўзлари билан алмаштирилсин.

63. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ–4068-сон қарори билан тасдиқланган 2019 — 2021 йилларда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, илмий тадқиқ этиш, тарғиб қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тубдан такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси»нинг 17-бандидаги «вақтинча прописка қилиш, турган жойи бўйича ҳисобга олиш ҳамда уларнинг» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши ва унинг муддати» сўзлари билан алмаштирилсин.

64. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ–4079-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг еттинчи хатбошисидаги «яшаш жойидан рўйхатдан чиқиб» сўзлари «яшаш жойи бўйича рўйхати бекор қилиниб» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 12-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«паспорт эгасининг хорижда доимий яшаш учун чиқишига рухсат берилганлиги тўғрисида мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ штамп»;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҳамроҳлик қилувчи шахслар тўғрисида (вояга етмаган фуқаролар учун) мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ штамп»;

в) 13-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ички ишлар органлари бўлинмалари томонидан — хорижда доимий яшаш учун чиқишига рухсат берилганлиги ҳақидаги, ҳамроҳлик қилувчи шахслар ҳақидаги (вояга етмаган фуқаролар учун)»;

г) 15-бандда:

қўйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«суд ажрими билан хорижга чиқиш биометрик паспортни амал қилиши тўхтатиб турилганда»;

ўн биринчи хатбоши ўн иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қўйидаги мазмундаги ўн учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари хорижга чиқиш биометрик паспортнинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги тўғрисидаги суд ажримини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаменти орқали Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасаларига маълумот учун юборди»;

д) 17-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқаролар хорижга чиқиш биометрик паспортни олиш учун доимий яшаш жойи бўйича ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган жойларидаги маълумотларни йиғиш пунктига ёхуд консуллик рўйхатига олинган маълумотларни йиғиш пунктига мурожаат қиладилар»;

иккинчи ва учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

е) 18-банд қўйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«процессуал мажбурлов чораси бекор қилинганлиги ҳақида тасдиқланган қарор нусхаси (хорижга чиқиш биометрик паспортнинг амал қилиши суд ажрими билан тўхтатиб турилганида)»;

олтинчи — ўнинчи хатбошилар тегишинча еттинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Доимий яшаш мақсадида хорижга чиқиш учун мурожаат қилган фуқарони маълумотларни йиғиш пункти масъул ходими мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ ёзма равишда огоҳлантиради»;

ж) 21-бандда:

биринчи хатбошидаги «ота-оналардан» сўзлари «ота-онадан» сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«агар ота-онадан бирининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги доимий яшаш жойи бўйича рўйхати хорижга доимий яшашга кетганлиги муносабати билан бекор қилинганида»;

з) 30-бандда:

«рўйхатда туриш жойи ёки» сўзлари «яшаш жойи бўйича ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган жойларидаги маълумотларни йиғиш пунктига ёхуд» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Доимий ёки вақтинча консуллик рўйхатида турган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ёки биометрик паспорти ёхуд хорижга чиқиш биометрик паспортининг амал қилиши суд томонидан тўхтатиб турилган айбланувчи ёки судланувчи Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасасига янги хорижга чиқиш биометрик паспорти олиш учун муурожаат этганда, амал қилиши тўхтатиб турилган паспорти маълумотларни йиғиш пунктига йўқ қилиш учун жўнатиш мақсадида олиб қўйилади ва унга паспорти олиб қўйилганлиги ҳақида далолатнома бериш йўли билан консуллик рўйхатидан чиқарилади ҳамда Ўзбекистон Республикасига қайтиш учун гувоҳнома расмийлаштириб берилади»;

и) 31-бандда:

биринчи хатбошиси «визалар учун мўлжалланган саҳифаларидан фойдаланиб бўлинган ҳолатларда» сўзларидан кейин «шунингдек, суд ажрими билан унинг амал қилиши тўхтатиб турилганда» сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Суд ажрими билан амал қилиши тўхтатиб турилган хорижга чиқиш биометрик паспорт Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси томонидан маълумотларни йиғиш пунктига йўқ қилиш учун жўнатиш мақсадида олиб қўйилади, фуқарога унинг паспорти олиб қўйилганлиги ҳақида далолатнома ҳамда Ўзбекистон Республикасига қайтиш учун гувоҳнома расмийлаштириб берилади»;

к) қуйидаги мазмундаги 34¹-банд билан тўлдирилсин:

«34¹. Суд ажрими билан амал қилиши тўхтатиб турилган хорижга чиқиш биометрик паспорт ички ишлар органлари томонидан маълумотларни йиғиш пунктига йўқ қилиш учун жўнатиш мақсадида олиб қўйилганда фуқарога унинг паспорти олиб қўйилганлиги ҳақида далолатнома берилади»;

л) 35-банд «шунингдек, белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топилган» сўзларидан кейин «ёки суд ажрими билан амал қилиши тўхтатиб турилган» сўзлари билан тўлдирилсин.

м) 39-бандда:

«е» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«е) агар шахсга нисбатан ваколатли органларнинг мазкур шахс хорижга чиқиши мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатувчи ахбороти (қонун бузилишлар рўйхати тегишли органлар томонидан белгиланади) мавжуд бўлса — у ҳисобга қўйилган кундан бошлаб бир йил ўтгунгача. Бунда хорижга чиқишига нисбатан қўйилган чекловни белгиланган муддатидан олдин бекор қилиш масаласи ташаббускор ваколатли органнинг ёзма хати асосида амалга оширилади»;

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Хорижга чиқиш биометрик паспорти расмийлаштирилганидан кейин шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиши учун вақтинчалик чеклаш белгилан тақдирда, унинг Давлат чегараси орқали ўтиш ҳуқуқини чеклаш тегишли давлат органларининг мурожаатига асосан чегара назорати бўлинмалари томонидан амалга оширилади»;

тўққизинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

н) 42-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«42. Ўзбекистон Республикасидаги доимий яшаш жойи бўйича рўйхати бекор қилиниб, хорижга доимий яшашга чиқиш учун белгиланган тартибда рухсатнома расмийлаштирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари доимий консуллик рўйхатига олинадилар»;

о) Қуйидаги мазмундаги 1, 2 ва 3-иловалар* билан тўлдирилсин:

65. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 5 январдаги ПҚ–4095-сон қарорининг 6-бандидаги «прописка» сўзи «доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинганлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

66. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизими ислохотларига илғор хорижий тажрибани жорий этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4159-сон қарорининг 7-бандидаги «вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинчалик пропискалар расмийлаштирилишини» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини» сўзлари билан алмаштирилсин.

67. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг Москва давлат халқаро муносабатлар институти (университети)» Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 11 февралдаги ПҚ–4171-сон қарорининг 14-бандидаги «вақтинчалик турар жойи бўйича вақтинчалик прописка қилиш» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

68. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 10 апрелдаги ПҚ–4275-сон қарорининг 8-бандидаги «вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинчалик прописка қилиниши» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши» сўзлари билан алмаштирилсин.

69. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сурхондарё вилоятида 900 МВт қувватга эга комбинацияланган цикли иссиқлик электр станциясининг қурилиши» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 13 апрелдаги ПҚ–4286-сон қарорининг 12-бандидаги «вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинчалик прописка қилиниши» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши» сўзлари билан алмаштирилсин.

* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

70. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент вилоятида 850 МВт қувватга эга комбинацияланган цикли иссиқлик электр станциясини қуриш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 13 апрелдаги ПҚ–4287-сон қарорининг 12-бандидаги «вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинчалик прописка қилиниши» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиними» сўзлари билан алмаштирилсин.

71. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 22 апрелдаги ПҚ–4296-сон қарорининг 5-банди иккинчи хатбошисидаги «вақтинча ёки доимий прописка» сўзлари «доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

72. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш ва ядровий ҳамда бошқа радиоактив моддаларнинг ноқонуний айланишига йўл қўймаслик соҳасида ҳамкорлик бўйича лойиҳани амалга ошириш чоралари тўғрисида» 2019 йил 13 сентябрдаги ПҚ–4451-сон қарорининг 4-бандидаги «вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинча прописка қилиниши» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиними» сўзлари билан алмаштирилсин.

73. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида регби спорт турини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 29 октябрдаги ПҚ–4500-сон қарорининг 11-бандидаги «вақтинча яшаш жойида вақтинча рўйхатга олишни расмийлаштириш ва уни» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ва унинг муддатини» сўзлари билан алмаштирилсин.

74. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида Беларусь-Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институтини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ–4524-сон қарорининг 17-бандидаги «вақтинчалик яшаш жойи бўйича вақтинча прописка» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

75. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш» лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 27 ноябрдаги ПҚ–4538-сон қарорининг 11-бандидаги «вақтинчалик яшаш жойига вақтинча прописка қилиш ва вақтинчалик прописканинг» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ва унинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

76. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш тўғрисида» 2020 йил 28 январдаги ПҚ–4574-сон қарорининг 13-бандидаги «вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинча прописка қилинишини» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиними» сўзлари билан алмаштирилсин.

77. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида қуввати 100 МВт бўлган фотоэлектрик станцияни қуриш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 14 апрелдаги ПҚ-4677-сон қарорининг 13-бандидаги «вақтинчалик яшаш жойи бўйича вақтинчалик пропискага қўйилиши» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши» сўзлари билан алмаштирилсин.

78. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон қарорининг 16-бандидаги «вақтинча яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини» сўзлари «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишини» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

32 Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Халқ таълими соҳасида фаолият кўрсатаётган раҳбар, мутахассис ва педагог ходимларни (кейинги ўринларда — халқ таълими ходимлари) қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, умумий ўрта таълимнинг илмий асосларини яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6108-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2021 йил 1 мартдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан:

халқ таълими ходимларининг малака ошириш бўйича эҳтиёжлари ўрганилади ҳамда «Узлуксиз касбий таълим» махсус электрон платформаси орқали уларнинг индивидуал касбий ривожланиш траекторияси тuzилади;

хар бир халқ таълими ходимининг электрон портфолиоси шакллантирилади ва унга ходимнинг индивидуал траекторияси, касбий ривожланиш

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 январда эълон қилинган.

натижалари ва ўзлаштирган ўқув дастурлари тўғрисидаги маълумотлар киритилади;

б) Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов) томонидан:

халқ таълими ходимларини уларнинг малака даражаси, билими, илмий-педагогик салоҳияти, иш тажрибаси, психологик тайёргарлиги ва индивидуал касбий ривожланиш траекториясига мос келадиган табақалашган малака ошириш дастурлари бўйича ўқитиш амалиёти йўлга қўйилади;

анъанавий малака ошириш билан бир қаторда касбий ўқитишнинг уйғунлашган, иш жараёни билан биргаликда олиб бориладиган, масофавий ва бошқа турлари жорий этилади;

в) Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов) ва Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (У. Ташкенбаев) томонидан:

узлуксиз касбий ривожланиш тизимида халқ таълими ходимлари томонидан тўпланиши лозим бўлган кредитларнинг (академик соатларнинг) энг кам ҳажми (миқдори) тасдиқланади;

халқ таълими ходимлари малакасини оширишнинг муқобил шакллари рўйхати тасдиқланади ва ҳар битта шаклга тўғри келадиган кредитлар (академик соатлар) ҳажми белгиланади. Бунда, малака оширишнинг муқобил шаклларини ўзлаштирган халқ таълими ходимлари тегишли шакл учун белгиланган ҳажмдаги (миқдордаги) кредитларни (академик соатларни) тўплаган деб ҳисобланади;

г) Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (У. Ташкенбаев), Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов) томонидан мунтазам равишда малака ошириш дастурлари асосида таълим беришнинг самарадорлиги баҳоланади ва дастурларни такомиллаштириш бўйича чоралар қўрилади.

2. Белгилансинки, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб:

малака тоифасини бериш ва сақлаб қолиш бўйича мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш йил давомида амалга оширилади;

узрли сабабларга кўра (меҳнатга лаёқатсизлик, хомиладорлик, туғиш ҳамда болани парвариш қилиш таътили ва бошқалар) аттестациядан ўтмаган педагог кадрлар иш фаолиятига қайтганларига бир йил тўлгандан сўнг аттестацияга жалб этилади ва мазкур давр мобайнида уларнинг малака тоифаси сақлаб қолинади (ўз ташаббусига кўра аттестациядан ўтмоқчи бўлган педагог кадрлар бундан мустасно).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6108-сон Фармонида мувофиқ халқ таълими ходимлари ўз ихтиёрига кўра Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида ҳамда нодавлат таълим ташкилотларида малакасини ошириши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Белгилансинки:

Халқ таълими вазирлигининг А. Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда — Институт), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари (кейинги ўринларда — ҳудудий марказлар), педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари томонидан халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағлар республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Халқ таълими вазирлигига ажратилади;

Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан халқ таълими ходимлари малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланаётган нодавлат таълим ташкилотларининг электрон реестри (кейинги ўринларда — Реестр) юритилади;

Давлат бюджетидан маблағлар фақат Реестрга киритилган нодавлат таълим ташкилотларига ажратилади.

5. Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 мартга қадар Институт, ҳудудий марказлар, педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларининг халқ таълими ходимлари малакасини ошириш билан боғлиқ харажатларини Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш ва Реестрни юритиш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов) халқ таълими ходимлари малакасини ошириш курсларини ташкил этган олий таълим муассасаларига:

халқ таълими ходимлари малакасини оширишнинг илғор шакл ва усулларини жорий этиш, ўқув-методик ресурсларини ишлаб чиқиш, таълим дастурларини такомиллаштиришга;

умумэътироф этилган халқаро таълим стандартлари ва талаблари, илғор педагогик, ахборот-коммуникация ва инновация технологиялари асосида ўқув жараёнини сифатли ташкил этишга қўмаклашсин.

Халқ таълим вазирлиги (Ш. Шерматов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов) билан биргаликда «Устоз-шогирд» тизими орқали устувор бўлган фан соҳалари (математика, кимё, биология, физика, она тили ва адабиёт, хорижий тиллар, психология, бошланғич таълим) бўйича халқ таълими тизими ходимлари ва олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш чораларини кўрсин.

7. Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов) 2021 йил 1 июнга қадар Институт ва ҳудудий марказларда олий таълим ташкилотларининг педагогик бўлмаган бакалавриат таълим йўналишларида таҳсил олаётган талаба-

лари учун педагогик тайёргарлик модулларини ишлаб чиқсин ва амалиётга киритсин.

Белгилансинки:

педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари, Институт ҳамда ҳудудий марказларда жорий этиладиган педагогик тайёргарлик модуллари (кейинги ўринларда — модуллар) бўйича бакалавриатнинг сўнгги икки босқичида таҳсил олаётган талабалар ўқишга қабул қилинади;

модуллар бўйича ўқитиш талабаларнинг олий таълим муассасасида таҳсил олишдан бўш бўлган вақтида Халқ таълими вазирлигининг гранти ва тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Бунда, Халқ таълими вазирлигининг гранти эҳтиёж юқори бўлган педагогик мутахассисликлар бўйича вазирликнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ажратилади;

модулларни Халқ таълими вазирлигининг гранти асосида ўзлаштирган талабалар олий таълим муассасасини битирганидан сўнг икки йилдан кам бўлмаган муддатга ишлаб бериш учун вазирлик томонидан давлат умумий ўрта таълим ташкилотларига тақсимланади;

модулларни ўзлаштирганлик тўғрисидаги сертификатга эга шахсларга олий таълим ташкилотида ўқишни битирганидан сўнг қайта тайёрлаш курсларидан ўтмасдан мутахассислигига оид фанлардан умумий ўрта ва профессионал таълим ташкилотларида педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилади.

8. Қўйидагилар:

Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ;

Халқ таълими ходимларини 2021 — 2025 йилларда узлуксиз касбий ривожлантириш натижасида эришиладиган асосий мақсадли кўрсаткичлар 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Халқ таълими вазирлиги бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда «Йўл харитаси»да назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминласин.

9. Қўйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

халқ таълими тизимини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш;

умумий ўрта таълимнинг долзарб муаммолари юзасидан тизимли асосда илмий-тадқиқот дастурлари ва лойиҳаларини амалга ошириш, илмий, илмий-амалий конференциялар, семинарлар, йиғилишлар ташкил этиш;

докторантура йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш, илмий ходимларнинг касбий даражасини доимий ошириб бориш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш, раҳбар кадрлар ва методистларнинг малакасини ошириш;

умумий ўрта таълим соҳасидаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва мам-

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лакатимизда жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, хорижий мамлакатларнинг етакчи илмий-тадқиқот муассасалари билан халқаро алоқаларни ривожлантириш;

умумий ўрта таълимни ташкил этишнинг янги технологиялари, воситалари ва шакллари ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва экспертиза қилишда иштирок этиш;

келажак мактаби, унинг раҳбари ва ўқитувчисининг моделини яратиш асосида халқ таълими ходимларининг касбий стандартларини ишлаб чиқиш ва доимий тарзда ривожлантириб бориш, илмий-тадқиқот фаолиятининг таълим жараёни билан алоқаларини мустаҳкамлаш;

халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланаётган нодавлат таълим ташкилотлари учун намунавий ўқув режа, дастур, ўқув-методик ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш, шунингдек, курсларнинг ўқув-услубий таъминотини доимий янгилаб боришга қўмаклашиш;

«Ўзлуксиз касбий таълим» махсус электрон платформаси фаолиятини юритиш, малака ошириш ташкилотлари билан биргаликда қайта тайёрлаш ҳамда малака ошириш курслари ўқув модуллари контентини марказлаштирилган тарзда ишлаб чиқиш ва платформага киритилишини таъминлаш.

10. Белгилаб қўйилсинки:

Институт А. Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Институтга халқ таълими вазири томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

худудий марказларнинг раҳбарлари Институт директорининг тавсиясига биноан халқ таълими вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Институтнинг маъмурий-бошқарув, профессор-ўқитувчилари ҳамда методист ходимларига — давлат олий таълим муассасаларининг тегишли лавозимлари учун, илмий ходимларига — Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот институтларининг илмий ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади. Бунда, бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган тингловчилар нисбатининг чекланган нормативлари олий таълим муассасалари учун белгиланган бир нафар ўқитувчи ҳисобига талабалар сони нисбатининг чекланган нормативларидан 25 фоиз паст этиб белгиланади.

11. Қўйидагилар:

А. Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича мақсадли дастур 3-иловага* мувофиқ;

А. Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институтининг 2023 йилгача мақсадли кўрсаткичлари 4-иловага* мувофиқ;

* 3-4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

А. Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти ходимларининг хориждаги етакчи илмий марказларда малакасини ошириш режа-графиги 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Институтга қўшимча штат бирликларини ажратиш ҳудудий марказларнинг тегишли бошқарув штатлар сонини қисқартириш ҳисобидан амалга оширилади.

Халқ таълими вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги Институт илмий ходимларининг танлов асосида хориждаги етакчи илмий ташкилотларда стажировка ўташларини ташкил этсин.

Инновацион ривожланиш ва новаторлик гояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳамда Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари Институт илмий ходимларининг хорижда малака оширишини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

12. Қуйидагилар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

илмий фаолиятга оид дастурларни амалга ошириш учун Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари;

Халқ таълими соҳасидаги ислохотларга кўмаклашиш жамғармаси маблағларидан ажратмалар;

хўжалик фаолиятдан ҳамда шартнома асосида тадқиқотлар ўтказишдан тушадиган тушумлар;

халқаро молия ва бошқа институтлар, хорижий ташкилотларнинг грантлари доирасида тушадиган маблағлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

13. Институтга ўзининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қуйидаги чора-тадбирларни молиялаштириш ҳуқуқи берилсин:

малакали хорижий мутахассислар ва маслаҳатчиларни жалб этиш, уларга меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи тўлаш;

замонавий ахборот ва инновацион технологияларни жорий этиш, Институтнинг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш;

Институт ходимларининг хорижий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида малака ошириши ва стажировка ўташи билан боғлиқ харажатлар учун тўловларни амалга ошириш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ Институтга юкланган вазифаларни ҳал этиш ва унинг фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ бошқа тадбирларни амалга ошириш.

14. Халқ таълими вазирлиги 2021 йил 1 июнга қадар Институтда:

а) халқ таълими тизимидаги раҳбар кадрлар ва методистлар малакасини ошириш курсларини ташкил қилсин;

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

б) қуйидагиларни тайёрлашни йўлга қўйсин:

тўлов-контракт асосида «Таълим менежменти» ва «Катталар таълими» бир йиллик магистратура мутахассисликлари бўйича кадрларни;

«Таълимда менежмент», «Фанларни ўқитиш назарияси ва методикаси» ҳамда «Электрон таълим назарияси ва методикаси» ихтисосликлари бўйича педагогика фанлари докторларини (PhD, DSc).

15. Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов) икки ой муддатда:

белгиланган тартибда Институтни халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, шунингдек, мебель ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлаш;

Институтнинг уставини тасдиқлаш ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш чораларини кўрсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукуматининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги «Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3289-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Халқ таълими вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов белгилансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 25 январь,
ПҚ–4963-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 25 январдаги
ПҚ-4963-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда
Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3931-сон қарорига:

16-банддаги «А. Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида» сўзлари «Халқ таълими вазирлигининг А. Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институтида» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловадаги «А. Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти» сўзлари «А. Авлоний номидаги Халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 сентябрдаги «Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4467-сон қарорига:

9-банддаги «А. Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида» сўзлари «Халқ таълими вазирлигининг А. Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институтида» сўзлари билан алмаштирилсин;

2019 — 2021 йилларда халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича «Йўл харитаси»нинг 24-позициясидаги «А. Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг» сўзлари «Халқ таълими вазирлигининг А. Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институтининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 ноябрдаги «2005 — 2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида»ги 548-сон қарори 3-бандида:

учинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамғармасидан» сўзлари «Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармасидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб фондининг» сўзлари «Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 173-сон қарорининг 8-банди қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«2021 йил 1 сентябрдан бошлаб 50 фоиз — математика, кимё ва биология фанларига ихтисослаштирилган мактаблар раҳбар кадрлари (директор ва ихтисослашган фан бўйича директор ўринбосари) ҳамда тегишинча математика, кимё ва биология фанлари ўқитувчиларига (бунда мазкур банднинг иккинчи-тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган устамалар ушбу раҳбар кадрлар ва тегишинча математика, кимё ва биология фанлари ўқитувчиларига татбиқ этилмайди)».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартида:

17-банддаги «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари «Халқ таълими вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар учун ўрнатилган давлат таълим стандартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги томонидан тасдиқланади».

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 февралдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисидаги низомда:

а) 8-банддаги «Шайхонтоҳур кўчаси, 3-уй» сўзлари «Навоий кўчаси, 2 а-уй» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 9-бандда:

учинчи хатбошида:

«Халқ таълими соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази, Халқ таълимини ривожлантириш фонди,» сўзлари чиқариб ташлансин;

«Баркамол авлод» республика болалар бадиий ижодиёт маркази, «Баркамол авлод» республика болалар техник ижодиёт маркази, «Баркамол авлод» республика болалар экология ва ўлкашунослик маркази» сўзлари «Республика «Баркамол авлод» болалар мактаби» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «ахборот-ресурс марказлари» сўзлари «болалар кутубхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**33 Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, экин ерларидан самарали фойдаланиш, ҳудудларда фуқароларнинг бандлиги ва фаровонлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) 413 миллиард сўм миқдоридagi маблағлари тижорат банклари орқали кредит маблағлари ажратишга йўналтирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамғарма «Микрокредитбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ ҳамда АТ «Халқ банки» билан биргаликда Жамғарма томонидан аввал ажратилган кредит маблағларининг сўндирилган қисми ҳисобидан янги лойиҳаларни молиялаштириш учун кредит маблағлари ажратилишини таъминласин.

3. Молия вазирлиги Жамғармага тижорат банклари орқали «Томорқа хизмати» МЧЖлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда томорқа ер эгаларини молиявий таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини қўллаб-қувватлашга жалб қилинадиган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг қарз маблағлари ҳисобидан 200 миллиард сўм миқдоридa маблағ ажратсин.

Белгилансинки, мазкур маблағларнинг 100 миллиард сўми жорий йилнинг биринчи чорагида, қолган қисми ҳақиқий талабдан келиб чиқиб, кейинги чорақларда молиялаштириб берилади ҳамда камида 50 миллиард сўми «Туронбанк» АТБ орқали лимончилик йўналишидаги лойиҳалар учун ажратилади.

4. Молия вазирлиги Жамғарма томонидан тижорат банкларига ажратилган кредит маблағларининг самарали ишлатилиши бўйича ўрганиш олиб борсин ва натижаси бўйича 2021 йилнинг 1 майига қадар Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига белгиланган тартибда киритсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 27 январда эълон қилинган.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Ганиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 27 январь,
ПҚ-4964-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

34 Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш мамлакатимизнинг жаҳон интеграциясидаги асосий омил эканлигидан келиб чиқиб, интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. 2021 йил 1 апрелдан бошлаб:

интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро шартномалар нормаларидан келиб чиқиб, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисининг фақат тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилишига нисбатан қонунчиликдаги мавжуд чекловлар бекор қилинсин;

интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатига олиш муддатларини кескин қисқартириш имкониятларини яратувчи тезкор экспертиза тартиби жорий этилсин. Бунда, интеллектуал мулк объектини муҳофазага олиш учун топшириладиган талабнома бўйича дастлабки қидирув томонларнинг келишувига мувофиқ амалга оширилиши назарда тутилади.

2. Адлия вазирилиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) фаолиятида интеллектуал мулк объектларига талабномаларни давлат экспертизасидан ўтказиш жараёнида аутсорсинг усулларини қўллаш тажрибаси йўлга қўйилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 29 январда эълон қилинган.

3. Қуйидагилар:

Интеллектуал мулк муҳофазасини мустаҳкамлаш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ;

Интеллектуал мулк (ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуқлари) соҳасини ривожлантириш бўйича 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган амалий ишлар дастури 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар, маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг биринчи раҳбарлари зиммасига «Йўл харитаси» ва дастурда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

2025 йил 1 январга қадар миллий экспорт қилувчилар томонидан чет элда товар келиб чиққан жой номлари (географик кўрсаткичлар)ни рўйхатга олиш бўйича қилинадиган сарф-харажатлари Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тўлиқ қопланади;

2021 йил 1 июнга қадар давлат бошқаруви органлари ва давлат корхоналари, илмий-тадқиқот ва олий таълим ташкилотлари ўзларига тегишли бўлган интеллектуал мулк (муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар ва саноат мулки) объектларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиради;

экспорт улуши умумий товар айланмасининг 60 фоизидан ортигини ташкил этадиган экспорт қилувчи, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари учун товар белгиларини 2021-2022 йилларда миллий рўйхатдан ўтказиш бепул амалга оширилади;

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини ҳам давлат рўйхатидан ўтказиш тарғиб қилинади;

Савдо-саноат палатаси ва Агентлик томонидан йилига камида бир марта республиканинг ҳар бир маъмурий бирликларида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этаётган шахслар учун ўз брендига эга бўлишнинг афзаллиги бўйича Ўзбекистон ва халқаро миқёсда тан олинган миллий брендлар эгалари бўлган ишбилармонларнинг иштирокида миллий анжуманлар ва мастер-класслар ўтказилади.

5. Агентлик ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 1 октябрга қадар давлат бошқаруви органлари, давлат корхоналари, илмий-тадқиқот ва олий таълим ташкилотлари ўзига тегишли бўлган интеллектуал мулк объектлари ҳисобини тўғри юритиш, уларга бўлган ҳуқуқларни хўжалик муомаласига киритиш, илмий фаолият натижаларини тижоратлаштирилишига кўмаклашишга қаратилган Агентлик ҳузуридаги «Патент платформаси»ни ишга тушириш бўйича таклифига розилик берилсин.

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Белгилансинки:

мазкур платформада ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиққан жой номлари муҳофаза ҳужжатларига оид маълумотлар батафсил акс этирилади;

платформа электрон шаклда реал вақт режимида юритилади ҳамда унга тадбиркорлик субъектлари ихтиёрий ва бепул асосда киритилади.

6. Белгилансинки:

энг яхши интеллектуал мулк объектлари яратувчиларини Агентлик томонидан Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг махсус мукофотларига тақдим этиш бўйича тавсиялар киритилади;

«Энг яхши интеллектуал мулк объекти» танлови Агентлик томонидан бир йилда бир марта ташкиллаштирилади;

«Энг яхши интеллектуал мулк объекти» танлови ғолибларига (учта) Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш микдорининг 30, 25, 20 баравари микдорида пул мукофотлари топширилади.

7. Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Агентликнинг интеллектуал мулк соҳасига оид фанларни кадрлар тайёрлаш тизими, жумладан республика таълим ташкилотлари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларида босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

Белгилансинки, интеллектуал мулк соҳасига оид фанларни кадрлар тайёрлаш тизимида жорий этишнинг биринчи босқичида, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълим ташкилотларида, хусусан, ишлаб чиқариш ва техник, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларидаги таълим йўналишларида илғор хорижий тажриба асосида ҳамда ёш авлод орасида ижодкорларнинг меҳнатига бўлган ҳурмат ҳиссини шакллантиришга қаратилган интеллектуал мулк фанлари жорий этилади ва улар бўйича ўтказиладиган машғулотларда соҳада фаолият олиб борувчи амалиётчилар иштирок этиши таъминланади.

8. Инновацион ривожланиш вазирлиги зиммасига илмий-тадқиқот ва олий таълим ташкилотларини интеллектуал мулк масаласида иқтисодиёт тармоқлари (енгил саноат, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар) билан боғлашни таъминлаш вазифаси юклатилсин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ва виночиликни ривожлантириш агентлиги, Савдо-саноат палатаси, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси, «Хунарманд» уюшмаси ва «Навоийазот» АЖ 100 та «маҳаллий бренд»ларни халқаро рўйхатга олишни ташкил этсин.

10. Савдо-саноат палатаси ҳар бир ҳудудда йилига камида тўрт марта франшизалар ярмаркаси ва кўргазмаларини ташкил этсин.

11. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги илмий-тадқиқот муассасалари ва олий таълим ташкилотларида интеллектуал мулк соҳасида амалга оширилган ишлар юза-

сидан йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига мунтазам равишда ҳисобот бериш тартиби йўлга қўйилсин.

12. Олий суд, Адлия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси икки ой муддатда халқаро экспертларни жалб қилиб, судьяларни интеллектуал мулк соҳасида ўқитиш дастурини ишлаб чиқиб, йил якунига қадар судьяларни ўқитиш тизимини йўлга қўйсин.

Бунда, халқаро ташкилотлар қўмаги остида интеллектуал мулк соҳасидаги низоларни кўриб чиқувчи судьялар учун чуқурлаштирилган ўқув дастури ташкил этилишига алоҳида урғу берилсин.

13. Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ва амалга оширилаётган ишларнинг манзиллигини таъминлашни кўзлаб, адлия органлари ва муассасалари бошқарув ходимларининг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ҳудудий адлия бошқармаларининг 11 та ва туман (шаҳар) адлия бўлимларининг 17 та штат бирликларини оптималлаштириш ҳисобига Агентликнинг тузилмасида:

Интеллектуал мулк ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш бўлими негизида Интеллектуал мулк ҳимояси бошқармаси (кейинги ўринларда — Бошқарма);

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Интеллектуал мулк ҳимояси марказлари (кейинги ўринларда — марказлар) ташкил этилсин.

Бунда, адлия органларининг ўтказилаётган 28 та штат бирликларидан 3 таси — Бошқармани, 25 таси — марказларни тўлдириш учун йўналтирилади.

14. Белгилаб қўйилсинки:

Бошқарма марказлар фаолиятига ташкилий ва методик жиҳатдан раҳбарлик қилади;

марказлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари биноларида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади;

марказларга ишга қабул қилинадиган ходимлар, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида интеллектуал мулк ва уни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг назарий ва амалий масалаларига оид ўқув дастурлари бўйича таълим оладилар.

15. Марказларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларнинг муомаласига, шунингдек, интеллектуал мулк ҳуқуқларининг бузилишига қарши тизимли ва самарали курашишда бевосита иштирок этиш, хусусан, огоҳлантирув ва тақдимномалар киритиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларни тузиш;

жойларда интеллектуал мулк объектларининг давлат рўйхатидан ўтказилиши билан боғлиқ фаолиятга кўмаклашиш;

интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

жамиятда интеллектуал мулкка нисбатан ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳурмат ҳиссини шакллантириш мақсадида интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг оммага етказиш.

16. Агентлик икки ой муддатда марказларни юқори малакали кадрлар билан, биринчи навбатда, амалий тажрибага эга ҳамда зиммасига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажаришга қодир шахслар орасидан очик танлов асосида Агентлик томонидан белгиланадиган тартибда тўлдирилишини ҳамда марказлар тўғрисидаги низомлар ишлаб чиқилишини таъминласин.

17. Мазкур қарор ижросини таъминлаш билан боғлиқ бюджет харажатлари 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Адлия вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида белгилансин, 2022 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилсин.

18. Агентликка ўзининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан:

марказлар моддий-техник базасини шакллантириш, шу жумладан компьютер ва нусха кўчириш техникаси, алоқа воситалари, мебель сотиб олиш;

давлат экспертизасини амалга оширишга миллий, халқаро ва хорижий илмий-тадқиқот, олий таълим ва экспертлик ташкилотларини ҳамда юқори малакали соҳа мутахассислари ва экспертларини шартнома асосида жалб этиш;

Агентлик ҳузуридаги «Патент платформаси»ни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича сарф-харажатларни амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ҳамда шахсий жавобгар этиб адлия вазири Р.К. Давлетов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ва-

зирлар Маҳкамасига ҳар ярим йил якуни бўйича ахборот киритиб берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 28 январь,
ПҚ-4965-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 28 январдаги
ПҚ-4965-сон қарорига
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4380-сон қарорига 1-илованинг матни* қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги 298-сон қарори билан тасдиқлаган Патент вакиллари тўғрисидаги низомда:

а) 4-бандда:

учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошиси учинчи хатбошиси деб ҳисоблансин;

учинчи хатбошисидаги «билимларга ҳамда малака имтиҳони натижалари билан тасдиқланган тегишли кўникмаларга ва амалий қўлланиш тажрибасига» деган сўзлар «малака имтиҳони натижалари билан тасдиқланган билимларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 6-банд «ва расмий веб-сайтида жойлаштиради» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

в) 7-банддаги «Агентлик белгилайдиган» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгилайдиган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 9-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Малака комиссияси малака имтиҳони саволларини тасдиқлайди, малака имтиҳонини ўтказди ва номзод ёки патент вакилининг аттестациядан ўтказилганлиги тўғрисида қарорлар қабул қилади»;

д) 10-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Номзод Агентликка ўзини патент вакили сифатида аттестациядан

* 1-илованинг матни «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ўтказиш тўғрисида ариза беради. Аризага олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлик тўғрисидаги белги мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти нусхаси, аттестациядан ўтказиш учун белгиланган тўлов тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат, шунингдек, номзоднинг истагига кўра унинг касб билимлари даражасини тавсифловчи бошқа ҳужжатлар илова қилинади»;

е) 11-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Номзод ёки патент вакилини малака имтиҳонига қўйиш қуйидаги ҳолларда рад этилади:

ушбу Низомнинг 3-банди, 4-бандининг иккинчи хатбошиси, 5-банди ва 10-бандининг учинчи хатбошиси (патент вакили учун)да белгиланган талабларга риоя қилинмаганда;

аттестация учун белгиланган тўлов тўланмаганда»;

иккинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

ж) 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Малака комиссияси номзод ёки патент вакилини аттестациядан ўтказишни қуйидаги ҳолларда рад этади:

ушбу Низомнинг 4-банди учинчи хатбошисида назарда тутилган талабларга номувофиқ бўлганда;

малака имтиҳонига қўйиш рад этилганда.

Ушбу банднинг иккинчи хатбошиси асосида аттестациядан ўтказиш рад этилган номзод ёки патент вакили камида олти ойдан кейин такрорий аттестацияга қўйилиши мумкин»;

з) 15-банддаги «унинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган» деган сўзлар «уни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) 16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Агентлик реестрда рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб ўн кун мобайнида патент вакилига рўйхатдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома беради ва рўйхатдан ўтказиш маълумотларини Агентликнинг расмий ахборот-номасида эълон қилади. Кўрсатилган маълумотлар реестрда рўйхатдан ўтказилган кунда Агентликнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади. Гувоҳнома шакли ва эълон қилинадиган маълумотлар таркиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади»;

к) 24-банд қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Кўрсатилган ахборот реестрдан чиқарилган кунда Агентликнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади»;

л) 25-банддаги «амалга оширилиши мумкин» деган сўзлар «амалга оширилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

м) 29-банддаги «Агентлик белгилайдиган» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгилайдиган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 декабрдаги 1033-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомнинг 11-бандидан «Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари —» сўзлари чиқариб ташлансин.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

35 Давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида*

«Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек, давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2021 йил 1 апрелга қадар давлат харидлари соҳасидаги махсус ахборот портали операторлари билан биргаликда махсус ахборот порталида курилиш соҳасида давлат харидларини электрон шаклда ўтказишни назарда тутувчи алоҳида саҳифа яратсин;

2021 йил 1 майга қадар Марказий ахборот порталини яратиш бўйича техник-лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида экспертизадан ўтказсин;

2021 йил 1 сентябрга қадар давлат харидлари бўйича барча маълумотларни жамловчи ва ташқи ахборот тизимлар билан ўзаро электрон ҳамкорликни таъминловчи Давлат харидлари марказий ахборот портали дастурий мажмуасини (кейинги ўринларда — Марказий ахборот портали) яратиш ва уни кузатишни таъминлаш чораларини кўрсин.

2. Белгилансинки:

Марказий ахборот порталини ишлаб чиқиш ва уни кузатишни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ахборот-ҳисоблаш маркази томонидан амалга оширилади;

Марказий ахборот порталини ишлаб чиқиш ва уни кузатишни таъминлаш халқаро молия институтларидан жалб қилинадиган маблағлар ҳамда Молия вазирлиги Ахборот-ҳисоблаш марказининг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

2021 йил 1 апрелдан бошлаб давлат харидлари ижрочисининг муассислари тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ахборот тизимлари ўртасидаги ахборот алма-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 27 январда эълон қилинган.

шинувидан фойдаланган ҳолда давлат буюртмачилари билан тузилган шартномалар реестрига киритилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда давлат харидлари соҳасидаги маълумотлар алмашинувини таъминлаш мақсадида Марказий ахборот портали билан электрон ҳамкорликни амалга ошириш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги икки ой муддатда Молия вазирлигига қурилиш соҳасида (лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция (модернизация) қилиш ва мукамал таъмирлаш) танловни (тендерни) ташкил этиш ва ўтказишда иштирокчилар учун талаб этиладиган намунавий ҳужжатларни тасдиқлаш учун киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Молия вазирлигининг сўровига мувофиқ Марказий ахборот порталини электрон ҳукумат тизимлари билан интеграциялашни таъминласин.

5. Қўйидагилар:

Давлат харидлари марказий ахборот порталини юритиш бўйича функционал талаблар 1-иловага мувофиқ;

Давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) миллий классификаторини юритиш қоидалари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) миллий классификаторининг «Электрон ҳукуматнинг маълумотномалар ва классификаторлар регистри» билан маълумотлар алмашишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарорнинг моҳияти ва аҳамияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 26 январь,
37-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 26 январдаги 37-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Давлат харидлари марказий ахборот
порталини юритиш бўйича
ФУНКЦИОНАЛ ТАЛАБЛАР**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Давлат харидлари марказий ахборот порталини юритиш бўйича функционал талаблар (кейинги ўринларда — Функционал талаблар) «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек, соҳага оид қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Функционал талабларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат харидлари марказий ахборот портали (кейинги ўринларда — ДХМАП) — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг давлат харидлари тўғрисидаги ахборот электрон шаклда юритилишини, шу жумладан, махсус ахборот портали операторининг (кейинги ўринларда — оператор) ахборот тизимлари билан ўзаро маълумот алмашинуви орқали давлат харидларининг режа-жадваллари, давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар, давлат харидларининг яқунлари тўғрисидаги ахборот, давлат харидлари бўйича статистик ахборот ва бошқа маълумотларни ўзининг маълумотлар базасида жамланишини ва улардан барча жисмоний ва юридик шахсларнинг эркин фойдаланишини таъминловчи махсус электрон платформаси;

давлат харидлари тўғрисидаги ахборот (кейинги ўринларда — ахборот) — давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, давлат харидларининг режа-жадваллари, давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар, ҳужжатларнинг намунавий шакллари, харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этиш учун зарур бўлган намунавий шартномалар, давлат харидларининг яқунлари тўғрисидаги ахборот, Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри, Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг қарорлари, давлат харидлари бўйича статистик ахборот ва давлат харидлари соҳасига оид бошқа маълумотлар;

махсус ахборот портали — операторнинг давлат харидлари ўтказилишини, давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар, давлат харидлари яқунлари, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифлари ҳақидаги ахборотнинг ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ахборотнинг электрон шаклда жойлаштирилишини ва кўрилишини, шунингдек, электрон давлат харидлари ўтказилишини таъминловчи веб-сайти ва махсус электрон платформаси;

махсус ахборот портали оператори — давлат харидларининг

субъектларига харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш, махсус ахборот порталига эълонларни, буюртманомаларни ҳамда давлат харидлари ва уларнинг яқунлари тўғрисидаги бошқа ахборотни жойлаштириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи махсус ваколатли юридик шахс;

харид қилиш тартиб-таомилларининг давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари — Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Бош прокуратура, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Молия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси.

3. Функционал талаблар қуйидагиларни назарда тутди:

ДХМАПда ахборотни шакллантириш ва жойлаштириш, шунингдек, унинг жамоатчиликка очиқлигини таъминлаш учун «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига ҳамда ушбу Функционал талабларнинг 2 ва 3-боблари талабларига мувофиқ функционал имкониятларни яратиш;

ДХМАПнинг операторлар ахборот тизимлари ва бошқа ахборот тизимлари билан интеграциясини амалга ошириш имкониятларини яратиш;

«Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетлари маблағлари доирасида юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш тартибига мувофиқ ахборотни шакллантириш, қайта ишлаш, сақлаш ва тақдим этиш;

харид қилиш тартиб-таомиллари устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида ДХМАПда ахборот мажбурий тартибда жамоатчиликка ҳавола этилишини таъминлаш, қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат сирини ташкил этувчи маълумотлар бундан мустасно;

харид қилиш тартиб-таомилларининг давлат назоратини амалга оширувчи давлат органларига ўз функцияларини бажариши учун ДХМАПдан фойдаланиш имкониятини яратиш.

4. ДХМАП Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги аппарат-техника воситаларида жойлаштирилади.

5. Харид қилиш тартиб-таомилларининг давлат назоратини амалга оширувчи давлат органларининг масъул ходимлари ўз функцияларини амалга ошириш учун ўзларининг солиқ органлари томонидан берилган электрон рақамли имзоларидан (кейинги ўринларда — ЭРИ) фойдаланган ҳолда ДХМАПда кузатувчи сифатида рўйхатдан ўтадилар.

6. ДХМАПда жойлаштирилган ахборот ДХМАПда ахборотни жойлаштириш ваколатига эга бўлган шахсларнинг ЭРИси билан имзоланади.

7. ДХМАПда ЭРИни қўллаш тартиби «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган талабларга мувофиқ, шунингдек, «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

8. ДХМАПга бошқа ахборот тизимларидан интеграция асосида узатиладиган ахборот ДХМАПга автоматик тарзда жойлашади.

9. ДХМАП билан бошқа ахборот тизимлари ўртасидаги маълумотлар алмашинуви белгиланган стандарт талабларга мувофиқ ягона форматлар орқали ҳамда Электрон ҳукуматнинг маълумотномалар, классификаторлар ва ягона идентификаторларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

10. ДХМАПда ахборотни жойлаштириш қўйидаги талаблардан келиб чиқиб амалга оширилади:

ахборот электрон ҳужжатларнинг ягона шаклига мувофиқ бўлган тақдирда;

фойдаланилаётган ЭРИнинг ҳақиқийлиги тасдиқланганда;

жойлаштирилиши лозим бўлган ахборот қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлган тақдирда.

11. Ахборотни ДХМАПда жойлаштиришда уларга автоматик равишда ДХМАП томонидан идентификация рақами берилади.

12. Махсус ахборот порталида эълон қилиниши лозим бўлган ахборот ДХМАПда жойлаштирилиши шарт.

2-боб. ДХМАПга қўйиладиган асосий талаблар

13. ДХМАПда ахборотни шакллантириш, қайта ишлаш, сақлаш ва тақдим қилиш функциялари «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, шунингдек, ушбу Функционал талабларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

14. ДХМАП қўйидаги саҳифалардан ташкил топади:

ахборотни жойлаштириш, жамлаш, қайта ишлаш ва таҳлилий ҳисоботларни шакллантириш саҳифаси;

ташқи ахборот тизимлар билан маълумот алмашинувини таъминлаш саҳифаси;

харид қилиш тартиб-таомилларининг давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари ва ички аудит бўлинмалари томонидан давлат харидлари субъектларининг ўз функцияларини қонун ҳужжатлари талаблари доирасида амалга ошираётганлиги бўйича мониторинг ва назорат қилиш саҳифаси;

давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) миллий классификаторини юритиш саҳифаси;

қайта ишланадиган маълумотларнинг хавфсизлиги, яхлитлиги, тўғрилиги ва улардан фойдалана олиш имкониятини таъминлаш саҳифаси;

давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган маълумотларни (маълумотномалар, таснифлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шарҳлар ва тушунтиришлар) олиш, сақлаш ва тарқатиш саҳифаси;

давлат буюртмачиларининг касбий маҳоратга эга бўлиши, ходимларнинг соҳа бўйича малакасини мунтазам равишда ошириб бориш учун мўлжалланган таълим саҳифаси.

**3-боб. ДХМАПда шакллантириладиган,
жойлаштириладиган ва тақдим этиладиган ахборот**

15. ДХМАПда қўйидаги ахборотлар шакллантирилади, жойлаштирилади ва тақдим этилади:

давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари;

давлат харидларининг режа-жадваллари;

амалга оширилган ва амалга ошириладиган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар (давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар, энг яхши таклифларни танлаш, танлов ва тендер ҳужжатлари ва уларга киритилган ўзгартиришлар, якунланган ёки бекор қилинган давлат харидлари тўғрисидаги ахборот, шунингдек, давлат харидларида фойдаланиладиган ҳужжатларнинг намунавий шакллари);

давлат буюртмачилари билан тузилган шартномалар реестри;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри;

Ягона етказиб берувчилар реестри;

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг қарорлари;

давлат харидлари бўйича статистик ахборот;

тўғридан-тўғри тузилган шартномалар тўғрисидаги маълумотлар;

давлат харидлари мониторинги натижалари бўйича жамланган тахлилий ҳисоботлар;

давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) миллий классификатори;

қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият юритаётган электрон савдо майдончаларида рўйхатдан ўтган давлат буюртмачилари ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари рўйхати;

давлат харидлари ижрочисининг муассислари тўғрисидаги маълумотлар;

ДХМАП билан ўзаро алоқада бўлган ахборот тизимлари рўйхати;

давлат буюртмачиларининг келгуси йилда жорий хўжалик фаолиятини таъминлаш учун моддий-техник ресурслар рўйхати;

давлат харидлари соҳасидаги янгиликлар, ҳужжатлар, ўқув материаллари, маълумотномалар, саволномалар, алоқа маълумотлари ҳақидаги ахборот;

давлат харидлари соҳасига оид бошқа ахборот.

16. ДХМАПда жойлаштирилган ахборот жамоатчилик учун эълон қилинади.

17. ДХМАПда шакллантирилган ва жойлаштирилган барча ахборот қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақланиши лозим.

4-боб. Якунловчи қоидалар

18. ДХМАПда барча операторлар учун тенг маълумот алмашинуви имкониятлари яратилиши шарт.

19. Ушбу Функционал талаблар бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

20. Операторлар ахборот ДХМАПга ўз вақтида тақдим этилиши учун жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 26 январдаги 37-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган
Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ягона миллий
классификаторини юритиш
ҚОИДАЛАРИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидалар «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ва давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) миллий классификаторини (кейинги ўринларда — Классификатор) юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Қоидаларнинг мақсади техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ва халқаро классификаторларга мувофиқ товарлар, ишлар ва хизматларни тавсифлаш ва давлат харидлари самарадорлигини оширишдан иборат.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги — давлат харидлари соҳасидаги ваколатли давлат органи (кейинги ўринларда — ваколатли давлат органи) Классификаторга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.

4. Классификатордан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:
давлат харидлари мақсадлари учун товар (иш, хизмат)ни таснифлаш ва кодлаш;

товар (иш, хизмат)нинг батафсил тавсифини давлат харидининг режа-жадвалида, давлат хариди тўғрисидаги эълонда, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг офертасида, танлов ва тендер ҳужжатларида, давлат харидлари тўғрисидаги шартномада ва қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат харидлари тўғрисидаги бошқа ахборотларда акс эттириш;

давлат харидлари тўғрисидаги барча маълумотларни йиғиш, ҳисобга олиш, ишлов бериш ва таҳлил қилишни ҳамда барча манфаатдор шахсларга ундан фойдаланишни таъминлаш;

товарлар (ишлар, хизматлар)нинг спецификацияларини шакллантиришда;
давлат харидларининг бошланғич нархини ва лойиҳа харажатларининг меъёрий кўрсаткичларини аниқлашда ҳолислигига эришиш;

халқаро статистика методологиясига мувофиқ товарлар (ишлар, хиз-

матлар) гуруҳлари бўйича маълумотларни таққослаш орқали статистик маълумотларни тайёрлаш;

давлат харидлари шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлаш;

халқаро электрон ахборот тизимлари билан давлат харидлари бўйича ҳамкорлик имкониятларини ошириш.

2-боб. Классификаторнинг тузилиши

5. Классификатор Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичи (кейинги ўринларда — МСТ) асосида ишлаб чиқилган.

6. Тузилишига кўра Классификатор товарлар (ишлар, хизматлар)нинг номланиши, махсус коди ва тавсифномаларидан иборат.

7. Классификатор махсус кодларига қуйидагилар кириди:


МСТнинг ҳарfli коди ва олти хонали рақамли кодлардан иборат биринчи даража;

товар (иш, хизмат)нинг гуруҳи (типи)дан келиб чиқиб шакллантирилган уч хонали рақамли кодлардан иборат иккинчи даража;

товар (иш, хизмат)нинг стандарт параметрлари асосида шакллантирилган беш хонали рақамли кодлардан иборат учинчи даража.

8. Классификатор ўн тўрт рақамдан иборат ва ХХ.ХХ.ХХ.ХХХ — ХХХХХ кўринишдаги формулага эга.

9. Классификатор кодларининг тузилиши формуласи:



10. Классификаторни юритиш жараёнида товар (иш, хизмат)ни гуруҳларга (типларга) бўлиш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда еттинчидан тўққизинчигача бўлган рақамлар «0» этиб белгиланади.

11. Товар (иш, хизмат)нинг алоҳида тавсифномалари ваколатли давлат органи томонидан мавжуд техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлардан келиб чиқиб юритилади.

3-боб. Товар (иш, хизмат) таснифлашининг асосий тамойиллари

12. Классификатор тузилишининг асосини фаолият ва товар (иш, хиз-

мат) турининг ягоналиги тамойили ташкил этади, яъни товар (иш, хизмат)-нинг ҳар бир тури маълум бир иктисодий фаолият турига тегишли бўлиши ва ҳар бир фаолият ушбу фаолият натижасида яратилган товар (иш, хизмат) категориясига мос келиши керак.

13. Товар (иш, хизмат)ларни аниқлаштириш жараёнлари кетма-кет кодларга бўлиш йўли орқали амалга оширилади.

14. Категориянинг кичик категорияларга детализацияси таснифлаш хусусиятлари асосида амалга оширилади.

Бунда маҳсулотнинг асосий таснифлаш хусусиятлари маҳсулотнинг қўлами, мақсади, таркиби, ишлаб чиқариш усули, бажарадиган вазифаларидан иборат.

15. Таснифлашнинг бир хил даражасида жойлашган гуруҳлаш бир-бири билан туташмаслиги керак, яъни улар ўхшаш тушунчаларни ўз ичига олмаслиги керак. Таснифлашнинг ҳар бир босқичида юқори даражали гуруҳлашни ажратиш учун фақат битта хусусият ишлатилиши керак.

4-боб. Таснифлаш жараёнида товар (иш, хизмат)ларнинг номларини акс эттириш бўйича асосий қоидалар

16. Таснифлаш жараёнида товар (иш, хизмат)нинг номи унинг асосий параметрларини ва унга оид батафсил маълумотни ўз ичига олиши керак.

17. Таснифлаш жараёнида товар (иш, хизмат)нинг номидаги биринчи сўз от сўз туркумида, бош келиши ва бирликда бўлиши керак, қонун ҳужжатларига мувофиқ кўпликда белгиланган номлар бундан мустасно. Ном кичик ҳарфлар билан ёзилиши ва биринчи сўз катта ҳарф билан бошланиши керак.

18. Таснифлаш жараёнида товар (иш, хизмат)нинг номини акс эттиришда қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

жуфт очиқ жойлар (пробеллар) қўйишга, номнинг охири ва бошида очиқ жойлар (пробеллар) қўйишга;

номининг охирида ва бошида тиниш белгилари қўйишга;

номида «ё» ҳарфи ишлатишга («е» билан алмаштирилади);

апострофлар ва қавс белгилари ишлатилишига, кирил ҳарфлари, латин ҳарфлари ва тиниш белгиларидан бошқа ҳар қандай белгилар қўйишга.

19. Ном аниқ талқин қилиниши ва товар (иш, хизмат) ҳақида максимал маълумотни ўз ичига олиши керак.

20. Товар (иш, хизмат) номининг ахборот мазмуни ушбу турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мос келиши керак (устуворлик камайиш тартибида): Давлат стандарти (ГОСТ), Саноат стандарти (ОСТ), Техник шартлар (ТУ), Паспортлар ёки техник тавсифлар, ишлаб чиқарувчи каталоглари.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

21. Классификатор ваколатли давлат органининг ахборот тизимида шакллантирилади ва юритилади. Классификатордан давлат харидлари бўйича

махсус ахборот портали операторлари (келгуси ўринларда — Оператор) ахборот тизимлари ўртасидаги ўзаро ахборот алмашинуви орқали фойдаланишлари мумкин. Бунда ваколатли давлат органи операторлардан Классификатордан фойдаланганлик учун ҳақ олишга ҳақли. Классификатордан фойдаланганлик учун ҳақ ваколатли давлат органи ва Оператор ўртасида тузиладиган Келишувга асосан белгиланади.

22. Классификатор Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида юритилади. Классификатор бошқа тилларда ҳам юритилиши мумкин.

23. Классификаторга давлат сирини ташкил этувчи маълумотлар киритилишига йўл қўйилмайди.

24. Классификатор позициялари қўйидаги кўринишда бўлади: товар (иш, хизмат) коди, номи, ўлчов бирлиги, бажарилган иш ҳажми ва кўрсатилган хизмат.

25. Товар (иш, хизмат)нинг тавсифи қўйидаги маълумотларни ўз ичига олади: истеъмол хусусиятлари ва товар (иш, хизмат)нинг бошқа хусусиятлари, шу жумладан, функционал, техник ва сифат хусусиятлари.

26. Микдорий баҳолашга эга бўлган хусусиятлар киритилаётганда, унинг ўзига хос қиймати ёки муайян қийматларнинг тўлиқ рўйхати ёки мақбул қийматлар оралиғи ёки ўзгармас қийматлар, шу жумладан, товар (иш, хизмат)га бўлган талаблар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

27. Микдорий баҳолашга эга бўлмаган хусусиятлар киритилаётганда, харид қилинаётган объектларга қўйиладиган талаблар ҳисобга олинган ҳолда товар (иш, хизмат)нинг тегишли хусусиятларининг тўлиқ рўйхати кўрсатилади.

28. Классификатор позицияларини шакллантириш ва киритиш ваколатли давлат органи томонидан аппарат-техника воситаларидан фойдаланган ҳолда автоматик режимда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 26 январдаги 37-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 72-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 28 февралдаги 112-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2003 й., 4-сон, 35-модда) илованинг 36-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Экспорт-импорт операциялари монито-

рингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2003 й., 9-сон, 92-модда) 2-илованинг 2 ва 5-бандлари.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2004 йил 17 январдаги 28-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2004 й., 3-сон, 31-модда) илованинг 10, 14 — 16, 18 ва 19-бандлари.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2005 йил 8 сентябрдаги 206-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2005 й., 34-36-сон, 264-модда) 1-илованинг 25 ва 26-бандлари.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2009 йил 20 февралдаги 50-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2009 й., 9-сон, 89-модда) илованинг 1-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2011 йил 18 февралдаги 42-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2011 й., 7-8-сон, 63-модда) 1-илованинг 2-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат харидларини ташкил этишга доир норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 1 апрелдаги 100-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2011 й., 14-сон, 137-модда) 3-илованинг 2-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2012 йил 3 февралдаги 30-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 2-сон, 6-модда) илованинг 2-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2012 йил 23 майдаги 143-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 5-сон, 34-модда) илованинг 9-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Техник қўмаклашиш маблағларини жалб этиш жараёнини такомиллаштириш учун лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2012 йил 8 ноябрдаги 319-сон қарорига илованинг 1-банди.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2013 йил 9 сентябрдаги 244-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2013 й. 16 сентябрь, 37-сон, 485-модда) 1-илованинг 17-банди.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг

айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» 2013 йил 13 ноябрдаги 307-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 11-сон, 81-модда).

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2015 йил 4 ноябрдаги 317-сон қарорига илованинг 1-банди.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш тартибини такомиллаштиришга йўналтирилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2016 йил 13 январдаги 9-сон қарорига илованинг 1-банди.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2016 йил 26 апрелдаги 122-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 4-сон, 28-модда) 1-илованинг 34-банди.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2017 йил 16 августдаги 638-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 33-сон, 863-модда) 1-илованинг 11-банди.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2017 йил 18 декабрдаги 992-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 12-сон, 290-модда) 1-илованинг 1-банди.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2019 йил 26 мартдаги 254-сон қарорига 1-илованинг 1 ва 6-бандлари.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2019 йил 19 декабрдаги 1014-сон қарорига илованинг 8-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**36 Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ўқитиш ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтиҳонларни топшириш харажатларини қоплаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон қарорига мувофиқ:

акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари, давлат улуши бўлган тегишли хўжалик жамиятлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (кейинги ўринларда — МХХС) асосида тайёрлаши ва 2021 йил якунига қадар бухгалтерия ҳисоби хизматини халқаро сертификатлаш доирасида тегишли сертификатга эга бўлган камида уч нафар мутахассис билан таъминлаши;

олий таълим муассасалари «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича МХХСни чуқур ўрганишни назарда тутувчи янгиланган ўқув дастурларини таълим жараёнига жорий этиши, ушбу фанлар бўйича педагог кадрларнинг аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МХХС бўйича ўқитилишини таъминлаши ҳамда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб тажриба-синов олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича фанлар фақат халқаро сертификатлаш доирасида тегишли сертификатга эга бўлган ўқитувчилар томонидан ўқитилиши;

2020 — 2025 йиллар давомида олий таълим муассасаларининг педагог кадрлари («Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича), талабалари, битирувчилари (ўқишни тугатгандан сўнг олти ой ичида) ва давлат органлари ходимларини аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МХХС бўйича ўқитиш, шунингдек, уларни бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида Ўзбекистон Республикасида дастлабки рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтказиш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Молиявий ҳисоботнинг халқаро

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 27 январда эълон қилинган.

стандартлари бўйича ўқитиш ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтиҳонларни топшириш харажатларини қоплаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

МХХС бўйича ўқитиш ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтиҳонларни топшириш харажатлари таркиби ва ушбу харажатлар қоплаб берилувчи шахслар тоифаси;

МХХС бўйича ўқитиш харажатларини қоплаш тартиби;

бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтиҳонларни топшириш харажатларини қоплаш тартиби;

МХХС бўйича ўқитиш ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтиҳонларни топшириш харажатларини молиялаштириш манбалари.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 26 январь,
38-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 26 январдаги 38-сон қарорига
ИЛОВА

**Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича
ўқитиш ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш
доирасида имтиҳонларни топшириш харажатларини
қоплаш тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Вақтинчалик низом (кейинги ўринларда — Низом) молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (кейинги ўринларда — МХХС) бўйича ўқитиш (кейинги ўринларда — ўқитиш) ҳамда бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида («МХХС бўйича молиявий ҳисобот», «Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DipIFR ACCA)» курслари ва бошқалар)

имтиҳонларни топшириш (кейинги ўринларда — имтиҳон топшириш) харажатларини қоплаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом 2025 йил 31 декабргача амал қилади.

3. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ўқитиш ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтиҳонларни топшириш харажатларини қоплаб бериш ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. МҲХС бўйича ўқитиш ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтиҳонларни топшириш харажатлари таркиби ва ушбу харажатлар қоплаб берилувчи шахслар тоифаси

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (кейинги ўринларда — Молия вазирлиги) ўқитиш ва имтиҳон топшириш харажатлари қоплаб бериладиган бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар ва халқаро бухгалтер сертификатлари рўйхатини белгилайди.

5. Ўқитиш харажатларини қоплаш бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотнинг (марказ фаолияти ёки тегишли фан (курс)лар бўйича) аккредитациясидан ўтган ўқув марказларида (кейинги ўринларда — аккредитациядан ўтган ўқув марказлари) ўқитиш якунларига кўра Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган халқаро бухгалтер сертификатлари доирасидаги фанлар ва (ёки) курслар бўйича амалга оширилади.

6. Имтиҳон топшириш жараёнидаги қуйидаги харажатлар қоплаб берилади:

Ўзбекистон Республикасида дастлабки рўйхатдан ўтиш харажатлари (бухгалтерларнинг халқаро сертификатини берувчи халқаро ташкилотга жисмоний шахснинг аъзо (талаба) бўлиши учун дастлабки бир марталик тўлов);

Ўзбекистон Республикасида имтиҳон топшириш учун биринчи ва иккинчи марта рўйхатдан ўтиш харажатлари.

7. Ўқитиш ва имтиҳон топшириш харажатлари қуйидаги тоифадаги шахслар (кейинги ўринларда — талабгорлар) учун қоплаб берилади:

олий таълим муассасаларининг «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича педагог кадрлари;

олий таълим муассасаларининг талабалари;

олий таълим муассасаларининг битирувчилари (олий таълим муассасасини тугатгандан сўнг олти ой давомида);

давлат органлари ходимлари.

3-боб. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ўқитиш харажатларини қоплаш тартиби

8. Ўқитиш фақат бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилот-

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нинг аккредитациясидан ўтган ўқув марказлари томонидан амалга оширилади.

9. Олий таълим муассасалари ҳар йили 10 январга қадар педагог кадрларни йиллик ўқитиш жадвалини (муддатларини кўрсатган ҳолда фанлар (курслар) бўйича) тасдиқлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этади. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ушбу маълумотларни олий таълим муассасалари бўйича умумлаштиради ва 31 январга қадар Молия вазирлигига тақдим этади.

10. Давлат органлари ҳар йили 10 январга қадар ўзининг ходимларини йиллик ўқитиш жадвалини (муддатларини кўрсатган ҳолда фанлар (курслар) бўйича) тасдиқлайди ҳамда 31 январга қадар Молия вазирлигига тақдим этади.

11. Олий таълим муассасаларининг педагог кадрлари, шунингдек, давлат органлари ходимлари таркибида ўзгаришлар рўй берганда ўқитиш жадвалига ўзгартиришлар киритилади ҳамда ушбу ўзгартиришлар тасдиқлангандан сўнг бу ҳақида беш иш куни мобайнида Молия вазирлигига ахборот тақдим этилади.

12. Талабгорлар аккредитациядан ўтган ўқув марказларини мустақил равишда танлайди.

13. Талабгорларни ўқитиш харажатлари, улар ўқув курсини муваффақиятли якунлаган тақдирда, Молия вазирлиги томонидан аккредитациядан ўтган ўқув марказларига қоплаб берилади.

14. Аккредитациядан ўтган ўқув маркази ҳар бир ўқув курси бошланган санадан бошлаб ўн иш куни мобайнида унда қатнашаётган талабгорлар рўйхатини Молия вазирлигига тақдим этади.

15. Ўқитиш, шу жумладан, интерфаол усулларни қўллаган ҳолда ўқитиш харажатлари аккредитациядан ўтган ўқув марказларига ўқув курсини муваффақиятли якунлаган ҳар бир иштирокчи учун ўқув маркази томонидан тақдим этилган ўқитиш қиймати бўйича, бироқ қуйидаги миқдорлардан ошмайдиган суммада қоплаб берилади:

«МХХС бўйича молиявий ҳисобот» курси ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасидаги бошқа курслар учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн икки баравари миқдорида;

«Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DipIFR ACCA)» курси учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида.

16. Аккредитациядан ўтган ўқув маркази ўқув курси якунлангандан сўнг Молия вазирлигига ўқув курсини муваффақиятли якунлаган талабгорлар учун ўқитиш харажатларини қоплаб бериш бўйича ушбу Низомга 2-иловада* келтирилган МХХС бўйича ўқитиш харажатларини қоплаб бериш тўғрисида ариза тақдим этади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ушбу Низомга 3-иловада* келтирилган ўқув курсини муваффақиятли якунлаган талабгорлар тўғрисида маълумотнома;

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

маълумотномада кўрсатилган талабгорлар билан ўқув курсида таълим олиш тўғрисида тузилган шартнома нусхалари;

ўқув курси юзасидан талабгорларга тақдим этиладиган ҳисобварақ-фактуралар нусхалари;

ўқув курсини муваффақиятли тугатганлиги тўғрисида талабгорларга берилган ҳужжат нусхалари;

ўқув марказининг ёки ўқув курсининг аккредитациядан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси.

17. Ушбу Низомнинг 16-бандида кўрсатилган ҳужжатлар аккредитациядан ўтган ўқув марказлари томонидан Молия вазирлигига почта ёки электрон алоқа воситалари орқали тақдим этилади.

Аккредитациядан ўтган ўқув марказлари тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда уларда кўрсатилган маълумотларнинг ишончилиги ва ҳаққонийлиги учун жавоб беради.

18. Молия вазирлиги ариза тушган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида ўқитиш харажатларининг қоплаб берилиши ёки қоплаб берилишини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

19. Ушбу Низомнинг 16-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳолда тақдим этилганда ёки тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки сохта маълумотлар мавжуд бўлганда ўқитиш харажатларини қоплаб бериш рад этилади.

20. Ўқитиш харажатларининг қоплаб берилиши рад этилган тақдирда, Молия вазирлиги аккредитациядан ўтган ўқув марказини, рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда, уч иш куни ичида электрон шаклда хабардор қилади.

21. Ўқитиш харажатларининг қоплаб берилиши рад этилган аккредитациядан ўтган ўқув маркази рад этишга сабаб бўлган камчиликларни бартараф этгандан сўнггина қайта ариза бериши мумкин.

4-боб. Бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтиҳонларни топшириш харажатларини қоплаш тартиби

22. Бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида фақат Ўзбекистон Республикасида дастлабки рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтказиш харажатлари қоплаб берилади.

23. Бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида Ўзбекистон Республикасида дастлабки рўйхатдан ўтиш харажатлари талабгорларга тўлиқ ҳажмда қоплаб берилади.

24. Бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида ҳар бир фан (курс) бўйича имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтиш харажатлари талабгорга қуйидаги тартибда қоплаб берилади:

биринчи марта имтиҳон топширганда (биринчи уриниш) — рўйхатдан ўтиш суммасининг 50 фоизи имтиҳон топширгунга қадар, қолган қисми — имтиҳонни муваффақиятли топширгандан сўнг қоплаб берилади;

иккинчи марта имтиҳон топширганда (иккинчи уриниш) — рўйхатдан ўтиш суммасининг 50 фоизи имтиҳонни муваффақиятли топширган тақдирда қоплаб берилади.

25. Имтиҳон топшириш харажатларини қоплаш халқаро сертификатни олиш учун имтиҳон ўтказувчи (халқаро сертификатни берувчи) ташкилот томонидан белгиланган тўлов суммаси миқдорида амалга оширилади.

26. Имтиҳон топшириш учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида чет эл валютасида белгиланган ҳамда тўловлар чет эл валютасида амалга оширилган бўлса, ушбу харажатларни қоплаш чет эл валютасида амалга оширилган операция санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича миллий валюта — сўмда қайта ҳисобланади ва қопланади.

27. Имтиҳон топшириш харажатларини қоплаш миллий валюта — сўмда амалга оширилади ва талабгорнинг шахсий банк картасига ўтказиб берилади.

28. Талабгор имтиҳон топшириш харажатларининг қоплаб берилиши бўйича қуйидаги ҳужжатларни Молия вазирлигига тақдим этади:

ушбу Низомга 4-иловада* келтирилган дастлабки рўйхатдан ўтиш ва имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтиш харажатларини қоплаб бериш тўғрисидаги ариза;

паспорт нусхаси ёки идентификация ID-карта маълумотлари;

имтиҳон топшириш харажатларини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси (тўлов ҳужжатлари, инвойс ва бошқалар);

олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси (ушбу ҳужжатни фақат олий таълим муассасаларининг битирувчилари тақдим этади);

олий таълим муассасасининг талабаси эканлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ёки маълумотнома (ушбу ҳужжатни фақат олий таълим муассасасининг талабалари тақдим этади);

имтиҳонни муваффақиятли топширганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси (рўйхатдан ўтиш суммасининг қолган 50 фоизи бўйича);

хизмат кўрсатувчи банк муассасаси ва банк картасининг реквизитлари.

29. Ушбу Низомнинг 28-бандида кўрсатилган ҳужжатлар талабгор томонидан Молия вазирлигига почта, бевосита талабгорларнинг ўзи томонидан ёки электрон алоқа воситалари орқали тақдим этилади.

30. Молия вазирлиги ариза тушган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида имтиҳон топшириш харажатларининг қоплаб берилиши ёки қоплаб берилишини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

31. Ушбу Низомнинг 28-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳолда тақдим этилганда ёки тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёхуд сохта маълумотлар мавжуд бўлганда, имтиҳон топшириш харажатларини қоплаб бериш рад этилади.

32. Имтиҳон топшириш харажатларини қоплаб бериш рад этилган тақдирда, Молия вазирлиги талабгорни рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда, уч иш куни ичида электрон шаклда хабардор қилади.

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

33. Имтиҳон топшириш харажатларини қоплаб бериш рад этилган талабгор рад этишга сабаб бўлган камчиликларни бартараф этгандан кейингина қайта ариза бериши мумкин.

5-боб. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ўқитиш ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтиҳонларни топшириш харажатларини молиялаштириш манбалари

34. Ўқитиш ва имтиҳон топшириш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

35. Ўқитиш ва имтиҳон топшириш харажатларини қоплаш учун Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида зарур бўлган маблағлар ажратилишини таъминлайди.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

36. Ариза берувчилар улар томонидан тақдим қилинган аризалар ҳамда уларга илова қилинган ҳужжатлар ва маълумотларда кўрсатиб ўтилган ахборотнинг ишончлилиги учун жавоб беради.

37. Молия вазирлиги ушбу Низомда назарда тутилган харажатларни қоплаш мақсадида олинган ариза берувчи тўғрисидаги махфий маълумотларнинг сир сақланишини таъминлаши лозим.

38. Олий таълим муассасалари ва давлат органлари ўзларининг расмий веб-сайтларида аккредитациядан ўтган ўқув марказларида ўқишни тугатган ҳамда имтиҳонларни топширган ходимлари тўғрисидаги маълумотларнинг мунтазам равишда эълон қилинишини таъминлайди.

39. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**37 Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Қурилиш ишларини амалга ошириш натижасида ҳосил бўладиган қурилиш чиқиндиларидан такрор фойдаланиш, уларни утилизация қилиш ёки қайта ишлашга йўналтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 29 сентябрдаги ПҚ-4845-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагиларни назарда тутувчи Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

қурилиш чиқиндиларини тўплаш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва жойлаштиришга доир асосий талаблар;

қурилиш чиқиндиларини чиқинди полигонига жойлаштириш учун топшириш ва қабул қилиш;

қурилиш чиқиндиларининг маълумотлар базасини юритиш;

қурилиш чиқиндиларини йиғиш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва жойлаштириш устидан давлат назоратини амалга ошириш.

2. Белгилансинки:

барча турдаги қурилиш чиқиндилари қоида тариқасида чиқинди чиқарувчилар томонидан устувор равишда такрорий фойдаланилиши, утилизация қилиниши ёки қайта ишланиши ёки мазкур чиқиндиларни тўплаш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва жойлаштириш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларга топширилиши (берилиши), реализация қилиниши, шунингдек, утилизация қилинмайдиган ёки қайта ишланмайдиган қурилиш чиқиндилари экологик жиҳатдан хавфсиз тарзда кўмилиши;

такрорий фойдаланишга ёки қурилиш чиқиндилари ҳосил бўлиш объекти жойлашган ҳудудда (туман ёки шаҳар) утилизация қилиш ва қайта ишлаш учун тегишли технология ва қувватларга эга ташкилотлар мавжуд бўлган тақдирда, уларни утилизация қилиш ёки қайта ишлашга йўналтирилиши;

қурилиш чиқиндиларини утилизация қилиш ва қайта ишлаш учун тегишли технология ва қувватларга эга ташкилотлар мавжуд бўлган ёки улардан такрорий фойдаланишга талаб бўлмаган тақдирда, қурилиш чиқиндилари уларни жойлаштириш учун махсус ажратилган қурилиш чиқинди полигонларига ёки қурилиш чиқинди полигонлари мавжуд бўлмаган ҳудудларда маиший чиқинди полигонларига жойлаштирилиши шарт.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 28 январда эълон қилинган.

3. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги бинолар ва иншоотлар, шу жумладан, йўллар ва муҳандислик коммуникацияларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ёки бузиш ишларида (кейинги ўринларда — қурилиш ишлари) лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда қурилиш жараёнида ҳосил бўладиган қурилиш чиқиндилари ҳажмларини ва уларни тўплаш жойларини белгилаш, шунингдек, улар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш назарда тутилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

2021 йил 1 майга қадар қурилиш чиқинди полигонларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қуриш ва жиҳозлаш бўйича 2022-2023 йилларга мўлжалланган манзилли дастурни тасдиқлашни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси киритилишини;

қурилиш ишларида ҳосил бўладиган қурилиш чиқиндиларини тўплаш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва полигонларга жойлаштириш ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш устидан қатъий назорат ўрнатилишини;

қурилиш ишлари амалга оширилишида ҳосил бўлган қурилиш чиқиндилари белгиланмаган жойларга ташлаганлиги учун тегишли чоралар кўрилишини таъминласин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 787-сон қарори билан тасдиқланган Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қоидаларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кирилади.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Б.И. Закиров ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси А.И. Максудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 28 январь,
40-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 28 январдаги 40-сон қарорига
1-ИЛОВА

Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом қурилиш чиқиндиларини тўплаш, сақлаш, ташиш, шунингдек, уларни утилизация қилиш, қайта ишлаш ва жойлаштириш тартибини белгилайди.

Хўжалик фаолияти натижасида қурилиш чиқиндилари ҳосил бўладиган ташкилотлар (қурилиш, реконструкция ва (ёки) монтаж қилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ва бузиш ишларини амалга оширувчи ташкилотлар), шунингдек, қурилиш чиқиндиларини тўплаш, ташиш, утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлаш билан шуғулланувчи барча юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан мазкур Низом талабларига риоя этилиши мажбурий ҳисобланади.

Мазкур Низом талаби аҳоли томонидан қурилиш ишлари олиб борилишида ҳосил бўлувчи қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартибига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

қурилиш чиқиндилари — бино ва иншоотлар, шу жумладан йўллар ва муҳандислик коммуникацияларини ҳамда ишлаб чиқариш объектларини қуриш, реконструкция ва (ёки) монтаж қилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ҳамда бузиш ишларини амалга ошириш натижасида ҳосил бўладиган чиқиндилар;

чиқинди чиқарувчилар — хўжалик фаолияти натижасида қурилиш чиқиндилари ҳосил қиладиган (қурилиш, реконструкция ва (ёки) монтаж қилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ва бузиш каби ишларни амалга оширувчи ташкилотлар) юридик шахслар;

қурилиш чиқиндиларини ташувчилар — қурилиш чиқиндиларини ташиш билан шуғулланувчи юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар;

қурилиш чиқиндилари ҳосил бўлиши объекти — қурилиш, реконструкция ёки монтаж қилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ва бузиш ишлари олиб бориладиган қурилиш майдончаси, ишлаб чиқариш участкаси, бино ва иншоотлар.

3. Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2-боб. Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга оширишга доир асосий талаблар

4. Барча турдаги қурилиш чиқиндилари қоида тариқасида чиқинди чиқарувчилар томонидан устувор равишда такрорий фойдаланишга, утилизация қилишга, қайта ишлашга йўналтирилиши ёки мазкур чиқиндиларни тўплаш, ташиш, утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлаш билан шуғулланувчи бошқа юридик шахсларга ва яқка тартибдаги тадбиркорларга топширилиши (берилиши), реализация қилиниши, шунингдек, утилизация қилинмайдиган ёки қайта ишланмайдиган қурилиш чиқиндилари экологик жиҳатдан хавфсиз тарзда кўмилиши таъминланиши шарт.

5. Ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ қурилиш чиқиндилари турлари такрорий фойдаланишга ёки қурилиш чиқиндилари ҳосил бўлиш объекти жойлашган ҳудудда (туман ёки шаҳар) утилизация қилиш ва қайта ишлаш учун тегишли технология ва қувватларга эга ташкилотлар мавжуд бўлган тақдирда, утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлашга йўналтирилиши лозим.

Қурилиш чиқиндиларини утилизация қилиш ва қайта ишлаш учун тегишли технология ва қувватларга эга бўлган ташкилотлар мавжуд бўлмаганлиги сабабли ёки улардан такрорий фойдаланишга талаб бўлмаган тақдирда, қурилиш чиқиндилари уларни жойлаштириш учун махсус ажратилган қурилиш чиқинди полигонларига ёки қурилиш чиқиндилари полигонлари мавжуд бўлмаган ҳудудларда маиший чиқиндилари полигонларига (кейинги ўринларда — чиқинди полигони) жойлаштирилиши шарт.

6. Қурилиш чиқиндилари мустақил равишда тўлиқ утилизация қилинишини, қайта ишланишини ёки такрорий фойдаланилишини таъминлаш имкониятига эга бўлмаган чиқинди чиқарувчилар қурилиш чиқиндиларини топшириш (бериш) ёки реализация қилиш юзасидан мазкур чиқиндиларни тўплаш, ташиш, утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлаш билан шуғулланувчи юридик шахслар ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар, ёхуд бундай чиқиндиларни жойлаштириш учун махсус ажратилган объектлар (қурилиш ёки маиший чиқиндилар полигонлари)га эга бўлган юридик шахс билан тузилган шартномага эга бўлишлари шарт.

7. Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш харажатлари лойиҳа-смета ҳужжатларида мажбурий тартибда назарда тутилган ҳамда бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг қурилиши, реконструкция ва (ёки) монтаж қилиниши, таъмирланиши, ободонлаштириш ишлари, шунингдек, бошқа махсус ишлар қийматига қўшилади.

8. Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жараёни ҳар бир қурилиш чиқиндилари ҳосил бўлиши объекти бўйича қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жараёнлари тартибини белгилувчи техник ҳужжатда (кейинги ўринларда — техник ҳужжат) белгилаб қўйилади.

9. Техник ҳужжат чиқинди чиқарувчилар томонидан ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ шакл бўйича ишлаб чиқилади ва қонун ҳужжатлари-

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

да белгиланган тартибда атроф-муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот лойиҳасига илова қилинади.

10. Техник ҳужжатда қурилиш чиқиндиларининг ҳосил бўлишидан бошлаб улардан такрорий фойдаланиш ёки кўмилишигача бўлган барча жараёнлар бўйича тўлиқ ва ишончли маълумотлар қайд этилиши лозим.

Техник ҳужжатда қурилиш чиқиндиларини иккиламчи хомашё ёки иккиламчи маҳсулот сифатида имкон қадар кўпроқ хўжалик ишлаб чиқариши айланмасига жалб қилиш учун улардан такрор фойдаланиш, шунингдек, утилизация қилиш ва қайта ишлашнинг энг самарали йўналишлари ҳисобга олинади.

11. Техник ҳужжатда қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича акс эттирилган барча талаблар чиқинди чиқарувчилар, шунингдек, улар томонидан жалб этиладиган пудратчилар учун ҳам уларга рияз этилиши мажбурий эканлиги белгилаб қўйилади.

3-боб. Қурилиш чиқиндиларини тўплаш ва вақтинча сақлашга доир асосий талаблар

12. Такрорий фойдаланишга ва қайта ишлашга яроқли қурилиш чиқиндиларини тўплаш улар ҳосил бўладиган объектларда ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ, фойдаланишнинг ягона йўналишига эга бўлган позициялар бўйича (2-иловага киритилмаган бошқа қурилиш чиқиндилари уларнинг келиб чиқиши, агрегат ҳолати, хавфлилик синфи ва фойдаланиш имкониятларига кўра) алоҳида сараланган (ажратилган) ҳолда амалга оширилади.

Кўмиш учун йўналтириладиган қурилиш чиқиндиларини тўплаш улар хавфлилик синфи бўйича алоҳида сараланган (ажратилган) ҳолда амалга оширилади.

13. Қурилиш чиқиндилари ҳосил бўлиши объектларида қурилиш чиқиндиларини фақат махсус ажратилган (шу жумладан жиҳозланган) майдончаларда (кейинги ўринларда — вақтинча сақлаш жойлари) вақтинча сақлашга (тўплаш, жойлаштириш) йўл қўйилади.

Бунда кўмиш учун йўналтириладиган қурилиш чиқиндиларини вақтинча сақлашнинг (тўплаш, жойлаштиришнинг) чекланган муддати ўттиз календарь кундан ошмаслиги шарт.

Вақтинча сақлаш жойларининг ўлчами (майдони) ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Бунда ҳар 1 м² га тўғри келадиган қурилиш чиқиндилар миқдорининг ҳисоби 3 тоннадан ошмаслиги лозим.

14. Қурилиш чиқиндиларини вақтинча сақлаш жойлари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

бевосита қурилиш чиқиндилари ҳосил бўлиши объектларининг ҳудудида ёки унга бевосита яқин бўлган чиқинди чиқарувчи томонидан ушбу мақсадда фойдаланиш учун ижара ёки бошқа ҳуқуқий асосларда фойдаланишга олинган участкада жойлашган бўлиши, шунингдек, турар жой биноларининг деразалари, таълим ва соғлиқни сақлаш ташкилотлари, дам олиш жойлари участкаларининг чегарасидан 20 метрдан кам бўлмаган масофада жойлашиши;

махсус транспорт воситалари, машина ва механизмларнинг эркин ҳара-

катланиши ҳисобга олинган ҳолда жойлаштирилиши ҳамда атрофи периметри бўйлаб (кириш йўлидан ташқари) вақтинчалик химоя воситалари билан ўралган бўлиши;

қайта ишланадиган ва такрорий фойдаланиладиган чиқиндиларни сақлашда ёғингарчилик ва шамол таъсиридан химояланган бўлиши;

кириш йўли ва тунги ташқи ёритиш тизимига эга бўлиши;

тупроқ қатлами қурилиш чиқиндилари билан ифлосланишининг олди олинишини таъминлайдиган (сув ўтказмайдиган, асфальт, бетон) қопламага эга бўлиши.

15. Вақтинча сақлаш жойларида қурилиш чиқиндиларини сақлаш (тўплаш, жойлаштириш) ишларини ташкил этишда алоҳида саралаб (ажратиб) тўпланган чиқиндилар уларни олиб чиқиб кетиш (ташиш) учун юклаш ишлари амалга оширилишида махсус транспорт воситалари, машина ва механизмларга халақит бермаслигини ҳисобга олиш лозим.

16. Йирик габаритли қурилиш чиқиндиларини сақлашда (тўплашда, жойлаштиришда) сизими 2 м³ дан юқори бўлган идишлар (йирик габаритли контейнерлар, сизимлар) ёки мультилифт тизими билан жиҳозланган махсус автотранспорт воситалари ёрдамида ташиладиган контейнерлардан (алмашадиган кузовлардан) фойдаланиш мумкин.

17. Қурилиш чиқиндиларини вақтинча сақлаш уларнинг хавфлилик синфига кўра:

хавфсиз қурилиш чиқиндиларини вақтинча сақлаш жойларининг очиқ майдончаларида;

хавфли қурилиш чиқиндилари мажбурий тартибда контейнерлар, чиқинди қутилари ва чиқиндиларнинг фуқаролар соғлиғи ҳамда атроф-муҳитга зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни таъминловчи бошқа идишларда (сизимларда) амалга оширилади.

18. Чиқинди чиқарувчилар ушбу Низомга 4-иловага* мувофиқ шакл бўйича вақтинча сақлаш жойида сақланган ва олиб чиқиб кетилган чиқиндилар ҳисобини юритади.

Ҳисобни юритиш қайд этиш журналида ёки электрон шаклда олиб борилади ва ушбу Низомга 5-иловага* мувофиқ шакл бўйича қурилиш чиқиндиларини ташишга кузатув талони (кейинги ўринларда — кузатув талони) илова қилиб борилади.

19. Вақтинча сақлаш жойида сақланган ва олиб чиқиб кетилган чиқиндилар ҳисоби бўйича маълумотлар ва улар билан боғлиқ бухгалтерия ҳужжатлари уч йил давомида сақланади.

4-боб. Қурилиш чиқиндиларини ташишга доир асосий талаблар

20. Қурилиш чиқиндилари ҳосил бўлиш объектлари ва вақтинча сақлаш жойларидан чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш чиқинди чиқарувчилар томонидан (ўз техник имкониятларига кўра) ёки шартнома асосида мазкур

* 4-5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

чиқиндиларни тўплаш, ташиш, утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлаш билан шуғулланувчи, ёхуд бундай чиқиндиларни жойлаштириш учун махсус ажратилган объектлар (қурилиш ёки маиший чиқиндилар полигонлари)га эга бўлган ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Қурилиш чиқиндиларини ташувчилар мазкур хизматларни кўрсатиш учун қурилиш чиқиндиларини тўплаш, утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлаш билан шуғулланувчи ташкилотларга топширишни (реализация қилишни) ёхуд бундай чиқиндиларни жойлаштириш учун махсус ажратилган объектлар (қурилиш ёки маиший чиқиндилар полигонлари)га эга бўлган ташкилотлар билан чиқиндиларни жойлаштиришни тасдиқловчи ҳужжатга (шартномага) эга бўлиши лозим.

21. Хавфли юк сифатида таснифланган чиқиндиларни ташиш хавфли юкларни ташиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

22. Қурилиш чиқиндиларини ташиб бориш манзили (заруратга кўра йўналиш чизмаси) чиқинди чиқарувчи томонидан кузатув талонида белгилаб берилади.

23. Қурилиш чиқиндиларини ташиш учун транспорт воситасини йўналишга чиқаришда ҳайдовчининг ёнида икки нусхадаги кузатув талони ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳужжатлар бўлиши зарур.

24. Қурилиш чиқиндиларини олиб чиқиб кетиш учун ағдарма, бортли ёки мультитифт тизими билан жиҳозланган транспорт воситаларидан фойдаланилади.

25. Қурилиш чиқиндиларини очиқ кузовли транспорт воситаларида ташиш, уларнинг усти чиқиндиларнинг шамолга учиши ва тушиб қолишининг (сочилиб кетишининг) олдини олувчи брезент ёки бошқа материаллар билан ёпилган ҳолда амалга оширилади (йирик габаритли қурилиш чиқиндиларини ташиш бундан мустасно).

26. Қурилиш чиқиндилари ташувчилар қўйидагиларга мажбур:

қонун ҳужжатларига мувофиқ юк ташишга бўлган умумий талабларга риоя қилиш;

қурилиш чиқиндиларини белгиланган манзилга (объектга) ўз вақтида ташилишини таъминлаш ва бунда тегишли манзилга (объектга) олиб борувчи йўналиш чизмасига (агар мавжуд бўлса) риоя қилиш;

кузатув талонини мазкур чиқиндиларни қабул қилиб олувчилардан тасдиқлаиб олиш ва унинг бир нусхасини қурилиш чиқиндилари ташилгандан кейинги иш кунидан кечиктирмай чиқинди чиқарувчиларга топшириш.

27. Қурилиш чиқиндиларини ташувчилар томонидан шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш чиқинди чиқарувчилар томонидан амалга оширилади.

5-боб. Қурилиш чиқиндиларини чиқинди полигонига жойлаштириш учун топшириш (қабул қилиш)

28. Чиқинди полигони ҳудудига кираётган ва чиқиб кетаётган транс-

порт воситалари кириш/чиқиш пунктида махсус назорат-дезинфекция худудидан (ховуздан) ўтиши, оғирлиги тарозида (юк билан ва юксиз) тортилиши, шунингдек, бу товар-транспорт ҳужжатларида (йўл варақалари) ҳамда тегишли қайд этиш журналида ёки электрон шаклда қайд этиб борилиши лозим.

29. Қурилиш чиқиндиларини қабул қилувчи чиқинди полигонининг масъул ходими кузатув талонида мазкур чиқинди турини, ҳақиқатда қабул қилинган (топширилган) чиқинди миқдорини кўрсатган ҳолда уни тасдиқлаб бериши лозим.

Бунда кузатув талонининг бир нусхаси қурилиш чиқиндиларини қабул қилувчида қолади.

30. Қурилиш чиқиндиларини (бетон, шебень ва ғишт бўлаклари, қум, тупроқ) майший чиқинди полигонларини рекультивация қилишда фойдаланиш учун қабул қилиш мумкин.

6-боб. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар

31. Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга оширишда атроф-муҳит чиқиндилар билан ифлосланишининг олдини олиш чоралари кўрилиши зарур.

32. Қурилиш чиқиндиларини аҳоли пунктлари ерларига, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларга ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларга, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш объектларига ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга зарар етказиш таҳдиди келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа жойларга ташлаш ва кўмиш тақиқланади.

7-боб. Қурилиш чиқиндиларининг маълумотлар базасини юритиш

33. Қурилиш чиқиндиларининг маълумотлар базасини юритиш Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.

34. Қурилиш чиқиндиларининг маълумотлар базасини юритиш фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

ҳақиқатда ҳосил бўлган, такрорий фойдаланишга, утилизация қилишга, қайта ишлашга ёки кўмишга йўналтирилган қурилиш чиқиндилари тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш, юритиш ва янгилаб бориш;

техник ҳужжатда кўрсатилган маълумотларни қурилиш чиқиндиларининг маълумотлар базасига киритиш;

чиқинди чиқарувчилардан ушбу Низомга 6 ва 7-иловаларга* мувофиқ намунавий шакллар бўйича маълумот ва тасдиқномаларни қабул қилиш;

қурилиш чиқиндиларининг маълумотлар базаси асосида ҳисобот тайёрлаш ва Давлат экология қўмитасига тақдим этиб бориш;

* 6-7-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жорий ҳолатни таҳлил қилиш ва келгусида қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги прогнозларни белгилаш; қурилиш чиқиндиларини утилизация қилиш, қайта ишлаш, жойлаштириш ва бошқа объектларни ташкил этиш, уларни ривожлантириш ёки модернизация қилиш, шунингдек, қурилиш чиқиндиларининг иккиламчи маҳсулотларини хўжалик ишлаб чиқариш айланмасига жалб қилиш тизими юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

техник ҳужжатга амалда риоя этилиши (бажарилиши) устидан давлат экологик назоратини олиб бориш.

8-боб. Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартибига риоя этилиши устидан назорат

35. Чиқинди чиқарувчилар ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ шакл бўйича тасдиқнома олиш учун чиқиндиларни қабул қилиб олган ташкилотларга расмий равишда мурожаат қиладилар.

Чиқиндиларни қабул қилиб олган ташкилотлар чиқинди чиқарувчилар мурожаат қилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ шакл бўйича тасдиқномани тайёрлайдилар ва чиқинди чиқарувчиларга тақдим этадилар.

36. Чиқинди чиқарувчилар бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция ва (ёки) монтаж қилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш, шунингдек, бузиш ишлари тугалланганидан сўнг объектларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга топширгунга қадар (камида беш иш кун олдин) Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органларига ушбу Низомга 6 ва 7-иловаларига мувофиқ намунавий шаклларда:

хар бир қурилиш чиқиндилари ҳосил бўлиши объекти бўйича қурилиш чиқиндилари такрорий фойдаланишга, утилизация қилишга, қайта ишлашга, шунингдек, кўмишга йўналтирилганлиги тўғрисида маълумот;

шартномага мувофиқ қабул қилиб олинган чиқиндилар тўғрисида тасдиқномани тақдим этадилар.

37. Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органлари тақдим этилган маълумот ва тасдиқномаларни қабул қилиб олган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида ундаги маълумотларни таҳлил қилади ва ушбу Низомга мувофиқ тақдим этилганлигини текширади ҳамда хато ва камчиликлар аниқланмаган тақдирда, ундаги маълумотларни қурилиш чиқиндиларининг маълумотлар базасига киритади.

Маълумот ва тасдиқномаларда хато ва камчиликлар аниқланган ҳолларда Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органлари бу ҳақида хабар қабул қилиб олинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида, асосли камчиликларни кўрсатган ҳолда уни тақдим этган ташкилотни хабардор қилади.

Маълумот ва тасдиқномани тақдим этувчи ташкилот аниқланган камчиликларни ўн иш куни мобайнида бартараф қилиб қайта тақдим этади.

38. Ушбу Низомга мувофиқ маълумот ва тасдиқномаларни тақдим эт-

маслик чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида дастлабки ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартибини бузиш ҳисобланади.

39. Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органлари қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини таъминлайдилар.

Давлат экологик назорати амалга оширилганда чиқинди чиқарувчилар томонидан давлат экологик назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг талаби бўйича вақтинча сақлаш жойида сақланган ва олиб чиқиб кетилган чиқиндилар бўйича бирламчи ҳисоб ҳужжатлари тақдим этилади.

40. Оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширадилар.

9-боб. Яқунловчи қоидалар

43. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

44. Юридик ва жисмоний шахслар чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини белгиланган тартибда тасдиқланган тарифлар ва атроф табиий муҳитга етказилган зарар миқдорини аниқлаш усулларига мувофиқ ёки улар мавжуд бўлмаган тақдирда, етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойдани ҳисобга олган ҳолда атроф-муҳитнинг бузилган ҳолатини тиклаш учун қилинадиган ҳақиқий харажатлар миқдоридан келиб чиқиб қоплаши шарт.

45. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахсларнинг жавобгарликка тортилиши уларни қонун бузилиши ва унинг оқибатларини бартараф этиш, фуқаролар соғлиги ва мулкига, шунингдек, атроф табиий муҳитга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 28 январдаги 40-сон қарорига
2-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 787-сон қарори билан тасдиқланган Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча

1. 2-банднинг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«қурилиш чиқиндилари — бино ва иншоотлар, шу жумладан, йўллар ва муҳандислик коммуникацияларини ҳамда ишлаб чиқариш объектларини қуриш, реконструкция ва (ёки) монтаж қилиш, таъмирлаш ва бузиш ишларини амалга оширишда ҳосил бўладиган чиқиндилар».

2. 30-банднинг учинчи хатбошисидаги «(экологик нормативларга)» сўзлари «шунингдек, атроф-муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот лойиҳа ҳужжатлари бўйича» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

38 Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида*

Глобал коронавирус пандемиясининг иқтисодийга салбий таъсирини камайтириш, савдо бозорларининг қисқариши оқибатида иқтисодийнинг қатор тармоқ ва соҳаларидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаоллигини чекловчи омилларни қисқартириш, шунингдек, маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ва номенклатурасини кенгайтириш, давлат харидлари тизимида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокини кенгайтириб бориш ҳисобига саноат ишлаб чиқаришида қўшилган қиймат занжири яратилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4812-сон қарорига мувофиқ хорижда ишлаб

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 29 январда эълон қилинган.

чиқарилган алоҳида товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) давлат харидларидаги иштирокини вақтинчалик тақиқлаш механизмини жорий этиш, шунингдек, халқаро тажрибага мувофиқ маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларнинг СІР (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференция қўллаш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар:

Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

Давлат харидларида маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга (ишлар, хизматларга) преференция бериш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга оид қўйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва давлат буюртмачилари томонидан ариза ва мурожаатларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Электрон кооперация порталида онлайн қабул қилиш ва натижаларини қайта юбориш алоқа механизмини назарда тутувчи электрон тизимни жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, вазирликлар, идоралар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни батафсил ўрганиш асосида Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатига ўзгартириш киритиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳар чорак якуни билан Вазирлар Маҳкамасига киритиш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги мазкур қарорга 2-илова билан тасдиқланган рўйхатдаги товарларни келгусида ишлаб чиқариш қуввати талаб этилаётган ҳажми ва сифатини ошириш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгуси давр учун давлат харидларининг режа-графиклари ва давлат харидларининг ўтган йилда-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ги амалдаги ҳажми тўғрисидаги маълумотларнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга етказилишини таъминлаш мақсадида уларни Давлат харидлари махсус ахборот порталига жойлаштириб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 29 январь,
41-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 29 январдаги 41-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатини шакллантириш ҳамда давлат буюртмачисига товарларни (ишлар, хизматларни) хориждан импорт қилишга рухсат бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

рўйхат — давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхати;

ахборот портали (кейинги ўринларда — портал) — www.cooperation.uz домени остида фаолият кўрсатаётган Электрон кооперация портали;

ишчи орган — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Электрон кооперация портали маркази;

мурожаат — рўйхатда келтирилмаган, бироқ ишлаб чиқарилиши (бajarилиши, хизмат кўрсатилиши) йўлга қўйилган товарларни (ишлар, хизматларни) рўйхатга киритиш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (ишларни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) томонидан ишчи органга, шу жумладан, порталда яратиладиган махсус хизмат орқали тақдим этиладиган ариза;

ариза — давлат буюртмачисининг рўйхатдаги товарларни (ишлар, хизматларни) хориждан импорт қилишга рухсат олиш учун ишчи органга, шу жумладан, порталда яратиладиган махсус хизмат орқали тақдим этиладиган мурожаати;

давлат буюртмачиси — «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган давлат буюртмачиси;

экспертиза қилиш маркази — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонаси;

ўхшаш товарлар (ишлар, хизматлар) — республика ҳудудида ишлаб чиқарилиши (бajarилиши, хизмат кўрсатилиши) йўлга қўйилган товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) хорижда ишлаб чиқариладиган (бajarилладиган, хизмат кўрсатилладиган) турдоши;

ўхшаш товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқарувчи — давлат буюртмачисининг аризасида келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) хорижда ишлаб чиқарадиган (бajarарадиган, хизмат кўрсатадиган) ташкилот.

3. Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатини шакллантириш ҳамда рўйхатда келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш тартиби ушбу Низомга 1 ва 2-иловалардаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Рўйхатни шакллантириш ва мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби

4. Рўйхат маҳаллий ишлаб чиқарувчи (ишларни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) томонидан келиб тушган мурожаатлар ҳамда давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни батафсил ўрганиш якуни бўйича киритган таклифлари асосида ишчи орган томонидан шакллантирилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Рўйхатга киритилмаган, бироқ ишлаб чиқарилиши (бajarилиши, хиз-

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мат кўрсатилиши) йўлга қўйилган товарларни (ишлар, хизматларни) рўйхатга киритиш учун республикада икки ёки ундан ортиқ ишлаб чиқарувчининг (ишларни бажарувчининг, хизмат кўрсатувчининг) (кейинги ўринларда — ишлаб чиқарувчи) мавжудлиги асос бўлади.

Бунда қуйидаги мезонлар асосида ишлаб чиқарувчининг маҳсулоти тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлиши лозим:

таклиф этилаётган товар (иш, хизмат) номи;

сотиш нархи;

товарнинг (иш, хизматнинг) энг кўп ва энг кам тўпи;

товар (иш, хизмат) тури ва техник параметри (техник паспорт ёки техник кўрсаткичларини акс эттирувчи бошқа ҳужжат);

товар (иш, хизмат) етказиб бериладиган ҳудуднинг номи ва муддати;

кафолат шarti ва муддати ҳақида маълумот;

товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарилган вақти (кун, ой, йил);

товарнинг (иш, хизматнинг) яроқлилиқ муддати;

заруратга кўра, лицензия, рухсат этиш хусусиятига эга бўлган бошқа ҳужжат ёки сертификат мавжудлиги тўғрисидаги ахборот.

5. Товарларни (ишлар, хизматларни) рўйхатга киритиш учун мурожаат портал орқали ишчи органга қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этилади:

а) мурожаатчи тўғрисида маълумот (почта манзили, СТИР ва телефон (факс) рақами);

б) рўйхатга киритилиши таклиф этилаётган товар (иш, хизмат) номи, бир бирлик учун нархи ва ТИФ ТН коди (10 та белгили) тўғрисидаги маълумотлар;

в) рўйхатга киритилиши таклиф этилаётган товарнинг (иш, хизматнинг) махфийлик мақомига эга бўлмаган функционал вазифаси, техник хусусияти, сифат хусусиятлари (кафолат муддати, ташқи кўриниши билан боғлиқ бўлмаган, хусусан, кимёвий, физик, механик ва бошқа хусусиятлари), етказиб бериладиган маҳсулотнинг сифатини тасдиқловчи ҳужжатлар.

6. Ишчи орган мурожаат келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунида мурожаат ушбу Низомнинг 5-банди талаблари асосида тақдим этилганлигини текширади ва натижаси бўйича:

ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, камчиликларни бартараф этиш учун ҳужжатларни мурожаатчига қайтаради ва бу ҳақда уни хабардор этади;

ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига ушбу Низомнинг 5-банди «а» ва «б» кичик бандларида назарда тутилган маълумотларни тасдиқлаш учун онлайн сўровнома юборади.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сўровнома келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунида сўровномани ўрганиб чиқади ва натижаси бўйича ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ маълумотларни ишчи органга тақдим этади.

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан сўровномага жавоб келиб тушган кундан бошлаб ишчи орган:

мурожаатда келтирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар ўз тасдиғини топган ҳолатда, беш иш кунда мазкур товарларни (ишлар, хизматларни) рўйхатга қўшиш ёки рўйхатдан чиқариш юзасидан таклифларни тайёрлайди ва кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги ҳамда заруратга кўра бошқа ташкилотларга киритади;

мурожаатда келтирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар ўз тасдиғини топмаган ҳолатда, уни уч иш кунда мурожаатчига қайтаради ва бу ҳақда уни хабардор этади.

9. Ушбу Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ташкилотлар таклиф киритилган кундан бошлаб ўн беш иш кунда товарларни (ишлар, хизматларни) рўйхатга қўшиш ёки рўйхатдан чиқариш тўғрисида тегишли таклифини ишчи органга тақдим этади.

10. Ишчи орган ушбу Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ташкилотлар билан белгиланган тартибда келишилган товарларни (ишлар, хизматларни) рўйхатга қўшиш ёки рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги таклифни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

3-боб. Рўйхатдаги товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш тартиби

11. Рўйхатда келтирилган товарлар (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилиш учун давлат буюртмачиси ишчи органга ариза билан мурожаат қилади.

Бунда давлат буюртмачиси аризасида рўйхатда келтирилган товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) параметрлари импорт қилиниши таклиф этилаётган товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) параметрларига мос келмаслиги ёки фарқ қилувчи хусусиятга эга бўлиши лозим.

12. Давлат буюртмачиси томонидан ариза портал орқали ишчи органга қўйидаги ҳужжатлар илова қилинган ҳолда тақдим қилинади:

а) давлат буюртмачиси тўғрисида маълумот (почта манзили, телефон (факс) рақами);

б) хориждан харид қилиниши режалаштирилган ўхшаш товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) номи, бир бирлик учун нархи ва ТИФ ТН коди (10 та белгили) тўғрисидаги маълумот;

в) хориждан харид қилиниши режалаштирилган ўхшаш товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) функционал вазифаси, техник хусусияти, микдори, сифат хусусиятлари (кафолат муддати, ташқи кўриниши билан боғлиқ бўлмаган, хусусан, кимёвий, физик, механик ва бошқа хусусиятлари), етказиб бериладиган маҳсулотнинг сифатини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда

ўхшаш товарлардан (ишлар, хизматлардан) фарқлари тўғрисидаги маълумот;

г) ўхшаш товарларни (ишлар, хизматларни) импорт қилишда молиялаштириш манбаи тўғрисидаги маълумот.

13. Давлат буюртмачиси томонидан ариза махфийлик мақомига эга бўлмаган маълумотлар илова қилинган ҳолда импорт қилишга рухсат сўралган ҳар бир товар (иш, хизмат) учун алоҳида тақдим этади.

14. Ишчи орган экспертиза қилиш маркази билан биргаликда ариза келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунда ариза ушбу Низомнинг 12-банди талаблари асосида тўлиқ тақдим этилганлигини текширади ва натижаси бўйича:

хужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, камчиликларни бартараф этиш учун хужжатларни давлат буюртмачисига қайтаради ва бу ҳақда уни хабардор этади;

хужжатлар тўлиқ тақдим этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига маълумотларни тасдиқлаш учун онлайн сўровнома юборади.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сўровнома келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунда уни ўрганиб чиқади ва натижаси бўйича ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ маълумотларни ишчи органга тақдим этади.

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан сўровномага жавоб келиб тушган кундан бошлаб ишчи орган:

ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлса — икки иш кунда портал орқали давлат буюртмачисининг импорт асосида хорижда ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган параметрларини акс эттирган ҳолда, ўхшаш товарларни (ишлар, хизматларни) маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга таклиф сифати юборади;

ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлмаса — уч иш кунда рўйхатда келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш тўғрисида ушбу Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ташкилотларга асослантилган таклифни кўриб чиқиш учун киритади.

17. Ўхшаш товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқарувчилар ишчи орган томонидан портал орқали йўллаган таклифга мувофиқ товарни (иш, хизматни) келтирилган параметрлар асосида ишлаб чиқариш имконияти ҳақида ўн иш кунда офертани порталга жойлаштиради.

Бунда ўхшаш товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқарувчилар томонидан келтирилган товарни (иш, хизматни) тегишли параметрлар асосида ишлаб чиқариш имконияти тўғрисида порталда оферта жойлаштирилмаса, тегишли товарни (иш, хизматни) республикада ишлаб чиқариш имконияти мавжуд эмас деб топилади.

18. Ишчи орган ўхшаш товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариш (бажариш, хизмат кўрсатиш) им-

конияти мавжудлиги тасдиқланган кундан бошлаб икки иш кунида тегишли давлат буюртмачисини хабардор қилади.

19. Рўйхатга киритилган товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлмаса ёки улар тегишли параметрлар асосида республикада ишлаб чиқарилмаса (порталда оферта жойлаштирилмаса), ишчи орган уч иш кунида рўйхатда келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш тўғрисидаги таклифни ушбу Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ташкилотларга кўриб чиқиш учун киритади.

20. Ушбу Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ташкилотлар таклиф киритилган кундан бошлаб ўн беш иш кунида давлат буюртмачисига рўйхатда келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш тўғрисида тегишли таклифини ишчи органга тақдим этади.

21. Ишчи орган ушбу Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ташкилотлар билан белгиланган тартибда келишилган рўйхатда келтирилган товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат бериш тўғрисидаги таклифни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

22. Ишчи органга тақдим этилган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун уларни тақдим этган ишлаб чиқарувчи ёки давлат буюртмачиси жавобгар бўладилар.

23. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 29 январдаги 41-сон қарорига
З-ИЛОВА

Давлат харидларида маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга (ишлар, хизматларга) преференция бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Давлат харидларида маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга (ишлар, хизматларга) преференция бериш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг)

рўйхатига киритилган товарларга (ишлар, хизматларга) нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

бенефициар мулкдор — пировардида мулккий ҳуқуқларга эгалик қиладиган ёки шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчини амалда назорат қиладиган жисмоний шахс;

маҳаллий ишлаб чиқарувчи — Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ республика ҳудудида ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш) фаолиятини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъект;

маҳаллий ишлаб чиқарувчининг аффилиланган шахси — қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга ва (ёки) ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчи томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатадиган, жумладан, ёзма келишув асосидаги жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек, ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчига нисбатан шундай ҳуқуққа эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

харид комиссияси — харид қилиш тартиб-таомиллари қолибини танлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган коллегиал орган;

экспертиза қилиш маркази — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонаси;

нарх преференцияси — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4812-сон қарорининг 1-банди «а» кичик бандининг тўртинчи хатбошида назарда тутилган преференция.

3. Давлат харидларида маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга (ишлар, хизматларга) преференция бериш тартиби ушбу Низомга иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нарх преференциясини бериш тартиби

4. Тендерда (танловда) хорижий етказиб берувчилар билан бирга икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар — маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўлган тақдирда, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан нарх преференцияси қўлланилади.

5. Бунда тендернинг (танловнинг) харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган ҳар бир лот бўйича хорижий етказиб берувчилар билан бирга маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифлари олинган бўлса, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ўн беш фоиз миқдорда нарх преференцияси берилади.

6. Ушбу Низомнинг 5-бандида назарда тутилган нарх преференцияси Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ республика ҳудудида саноат

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш) фаолиятини амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қўлланилади.

7. Давлат буюртмачиси тендер (танлов) бўйича харид қилиш ҳужжатларида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан ушбу Низомга мувофиқ нарх преференциясини қўллаш юзасидан талабларни назарда тутган ҳолда буюртма шакллантиради.

8. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари ва танлов бўйича техник топшириқ белгиланган тартибда экспертиза қилиш маркази томонидан мажбурий комплекс экспертизадан ўтказилади.

9. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари ва танлов бўйича техник топшириқ белгиланган тартибда экспертиза қилиш маркази томонидан мажбурий комплекс экспертизанинг ижобий натижаси асосида Давлат хариди тўғрисидаги ахборот махсус ахборот порталида эълон қилинади.

10. Маҳаллий ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш) корхоналари давлат хариди тўғрисида махсус ахборот порталида тегишли тартиб асосида эълон қилинган шартларга мувофиқ давлат буюртмачисининг тендерда (танловда) иштирок этиши ҳақида ариза тақдим этади.

11. Харид комиссияси тендер (танлов) орқали харидларни амалга оширишда келиб тушган таклифларни баҳолаш жараёнида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан ушбу Низом ва харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ нарх преференциясини ҳисобга олади.

12. Маҳаллий ишлаб чиқарувчи харид қилиш ҳужжатларида талаб этилган ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичига (ИФУТ) мувофиқ асосий фаолият тури тўғрисидаги маълумоти билан бирга қўшимча равишда:

асосий бенефициар мулкдори ва таъсисчилари тўғрисидаги маълумот;
товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарилган жой ва етказиб бериладиган худуди тўғрисидаги маълумот;

товар мажбурий сертификациялаш талаб этилган ҳолларда мувофиқлик сертификати, шунингдек, зарур ҳолларда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ёки экологик экспертиза хулосаси;

қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялаш ёки бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжат талаб этилган ҳолларда лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатлар тақдим этилади.

Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги тўғрисида ариза тақдим этилган тақдирда, маҳаллий ишлаб чиқарувчига нисбатан тендерда (танловда) нарх преференцияси қўлланилади.

13. Харид комиссияси нарх преференциясини қўллашда маҳаллий ишлаб чиқарувчи томонидан тақдим этилган нарх таклифини ушбу Низомнинг 5-бандида белгиланган миқдорда камайтириш орқали баҳолайди.

14. Харид комиссияси таклифларни баҳолаш жараёнида маҳаллий ишлаб чиқарувчи ҳисобланган иштирокчидан келиб тушган, лекин харид қилиш ҳужжатлари талабларга мос келмаган таклифларни рад этади.

15. Маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва унинг аффилиланган шахси тендер (танлов) бўйича битта лотда иштирок этишга ҳақли эмас.

16. Давлат харидларида иштирок этиш юзасидан таклиф юборган маҳаллий ишлаб чиқарувчи ғолиб деб топилган тақдирда, давлат буюртмачиси билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

17. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ****39 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
26 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3285*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги ПФ–6065-сон «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-қарталарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июндаги 389-сон «Ички ишлар органлари тизимида давлат хизматлари кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш ва тартиб-таомилларини содалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 31 декабрь,
28/7-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
31 декабрдаги 28/7-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви
томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-
ҳуқуқий ҳужжатларга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2007 йил 21 июлдаги 20/3-сон қарори (рўйхат рақами 1719, 2007 йил 24 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 39-сон, 405-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларининг 13-бандида:

а) биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«13. Чиқим касса ордери бўйича пул бериш пайтида кассир пул олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни (паспорт, идентификация ID-карта, янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномалари ёки ID-карталари, ҳарбий билет ёки ҳарбий қисмлар ёхуд ҳарбий муассасалар томонидан бериладиган шахсини тасдиқловчи ҳужжат) кўрсатишни талаб қилади, ҳужжатнинг номи ва рақамини, ким томонидан ва қачон берилганлигини ёзиб қўяди ва пул олувчидан имзосини қўйдиради.»;

б) тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2008 йил 19 апрелдаги 10/3-сон қарори (рўйхат рақами 1815, 2008 йил 22 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 20-21-сон, 195-модда) билан тасдиқланган Кредит уюшмаларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 32-бандидаги «(паспорти маълумотлари)» деган сўзлар «(шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/5-сон қарори (рўйхат рақами 1834, 2008 йил 11 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 276-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида йўриқномада:

а) 34-банднинг учинчи хатбошисидаги «паспорти» деган сўз «шахсини тасдиқловчи ҳужжати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 5-иловадаги «Паспорт серияси» деган сўзлар «Шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2008 йил 14 августдаги 17/2-сон қарори (рўйхат рақами 1859, 2008 йил 24 сентябрь)

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 39-сон, 400-модда) билан тасдиқланган Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 9-банднинг ўн иккинчи хатбошисидаги «паспорт маълумотлари (серияси, номери, ким томонидан ва қачон берилганлиги)» деган сўзлар «шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 1-иловадаги «паспорт маълумотлари» деган сўзлар «шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 8 июндаги 20/1-сон қарори (рўйхат рақами 3022, 2018 йил 9 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.06.2018 й., 10/18/3022/1333-сон) билан тасдиқланган «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-банди учинчи хатбошисидаги «паспорт» деган сўз «шахсни тасдиқловчи ҳужжат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/21-сон қарори (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.07.2018 й., 10/18/3028/1418-сон) билан тасдиқланган Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқноманинг 10-илловасидаги «Олувчи шахснинг паспорт маълумотлари» деган сўзлар «Олувчи шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 январдаги 2/4-сон қарори (рўйхат рақами 3224, 2020 йил 10 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.03.2020 й., 10/20/3224/0312-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида низомнинг 92-банди учинчи хатбошисидаги «паспорт серияси, рақами» деган сўзлар «шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 31 декабрдаги 28/7-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 26 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3285.

